

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 371:54

АТАЕВА ИҚБОЛ ШАВКАТОВНА

**КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ КАСБ – ҲУНАР
КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ
ЎСТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
(Кимё ва озиқ-овқат технологияси касб-ҳунар коллежлари мисолида)**

5А541125 – Касб – ҳунар фанларни ўқитиш методикаси (Озиқ- овқат технологияси) мутахассислиги буйича

Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.д., профессор А.Ф.Марасулов

“Касб таълими” кафедраси

“-----“ ----- 2010 йил

- сонли мажлисининг қарорига

асосан ҳимояга тавсия қилинди

Кафедра мудири

к.ф.н., доц. Ж.Алимжанова

Ҳимояга рухсат этилди:

“-----“ ----- 2010 йил

Магистратура бўлими бошлиғи

т.ф.н., доц А.Абдурахманов

Тошкент – 2010

**АТАЕВА ИҚБОЛ ШАВКАТОВНА «КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ЙЎНА-
ЛИШИДАГИ КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ЎСТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР-
ДАН ФОЙДАЛАНИШ»** (*Кимё ва озиқ-овқат технологияси касб-ҳунар
коллежлари мисолида*) мавзусида бажарган магистрлик диссертация
ишининг

Аннотацияси

Ўқув гуруҳининг умумий муаммолари, ўқитувчи ва ўқувчилар муаммолари, уларни аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаб, уларни амалга оширишни кетма-кетлигини тузиш ва шу асосда ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини босқичма-босқич ошириш ва мазкур ҳар бир босқичларда тегишли интерфаол услублардан фойдаланиш ёндошуви таклиф этилаяпти.

Мундарижа

Кириш	2
I БОБ. Касб–хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг назарий – методологик таъминоти	10
1.1. Ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўстириш тўғрисида умумий тасаввурлар	10
1.2. Ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратни ўстиришнинг психологик асослари	15
1.3. Таълим жараёнида интерфаол методлари	26
II БОБ. Касб–хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг илмий методик тизими	46
2.1. Ўқувчиларни ёш индивидуал хусусиятларни аниқлаш	46
2.2. Ўқувчиларни касбий тайёргарлиги поғонасини аниқлаш	50
2.3. Интерфаол усуллардан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш	62
III БОБ. Кимё – технология йўналиши касб–хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстириш методикаси	70
3.1. “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси “ фани бўйича ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришга йўналтирилган машғулотлар ишланмаларини ишлаб чиқиш	70
3.2. Педагогик тажриба – синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш	77
3.3. Педагогик тажриба – синов натижаларини таҳлил этиш	83
Хулоса	119
Фойдаланилган адабиётлар	122
Иловалар	129

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида шаклланган узлуксиз таълим тизими баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш жараёнининг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади. Узлуксиз таълим тизими доирасида фаолият олиб боровчи таълим муассасалари илғор, демократик ҳамда инсонпарвар ғояларга таянган ҳамда янгича мазмунга эга бўлган таълим жараёнини ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Узлуксиз таълим тизимини шакллантириш, шунингдек, таълим мазмунини янгилаш таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг бош ғояси саналади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланганидек, таълимнинг янги тизими ва мазмунини шакллантириш учун «илғор педагогик технологияларни ҳамда ўқув-тарбиявий жараённинг дидактик таъминотини яратиш» талаб этилади. Бу муҳим вазифанинг ижобий ҳал этилиши таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омилларни излаб топиш, бу борада энг мақбул омил деб топилган янги педагогик технологияларни ўқув юрти фаолиятларига татбиқ этиш борасида амалий ҳаракатларни олиб бориш

мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда. Ушбу назарий хулосанинг амалий тадқиқи сифатида бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини янгилаш жараёнида бўлажак мутахассисларнинг умумумехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларга эга бўлишларини таъминлаш масаласининг самарали ҳал этилишига алоҳида аҳамият қаратилиши зарур.

Умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда касбий маҳорат, уларни шакллантириш услубиятига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, шунингдек, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда уларнинг ҳал қилувчи

аҳамиятига доир кўплаб ишлар нашр этилган, қимматли маълумотлар ва назарий хулосалар жамланган. Бироқ, бозор муносабатлари қарор топаётган бир шароитда меҳнат бозорида юзага келувчи кескин рақобатга бардошли, мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, юқори кўникма ҳамда малакага эга, муаян вазиятларни тўғри баҳолай олувчи, шунингдек, ушбу вазиятларда муваффақиятли ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эга мутахассисларни тайёрлаш борасида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ўзининг тўлақонли ечимига эга бўла олгани йўқ.

Таълим тизимида талабаларда касбий маҳоратни ривожлантириш мазкур жараёнга нисбатан тизимли, мажмуавий ёндашувни тақозо этади. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассиснинг чуқур билим ва самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унга етарли назарий ва амалий билимларни бериш ҳисобига кечмайди. Шу боис бўлажак мутахассисни тайёрлашда ўқув ва махсус фанларни ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадорлик, назария ва амалиёт бирлиги, назарий билим, шунингдек, касбий маҳоратни динамикасини инобатга олиш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга аҳамиятнинг қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилганлиги ва муаммонинг ижобий ҳал этилганлиги унинг қийматини белгилаб беради.

Мутахассисларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашда касбий маҳоратни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли В.В.Чебышева, Е.А.Милерян, К.К.Платонов, А.М.Новиков ва бошқаларнинг меҳнат психологияси тўғрисидаги; А.А.Кыверялг, В.А.Скакун, В.П.Поляков, А.И. Воробьев, Ю.З.Гильбух, П.Р.Атутов, С.Я.Батышев, Ю.К.Васильев ва бошқаларнинг меҳнат ва касб таълими дидактикаси ҳамда методикаси борасидаги илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Касбий маҳоратни шакллантиришда ўқув-педагогик жараёнини лойиҳалаштириш (В.П.Беспалько), педагогик технологияни изчил қўллаш (Н.Ф.Талызина), «педагогик технология» тушунчасининг моҳияти ўқитишда топшириқли ёндошув (Т.Н.Балло), босқичли ўқитиш (Л.В.Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давыдов), психологик-педагогик ўқитилар йиғиндиси (Б.Лихачёв), шакл, метод, усул, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситалари (Б.Лихачёв, В.И.Шепель), режалашган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни (И.П.Волков), талаба ва ўқитувчиларнинг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш, ўқитиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган андозаси (В.М.Монахов), турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини камраб олган мазмуний умумлашма (Р.К.Селевко), янги педагогик технологияларнинг моҳиятига замонавий ёндашув (Н.С.Сайид-аҳмедов) каби қарашлар асосида очиб беришга уринганлар.

Меҳнат таълимини самарали ташкил этиш, ўқувчи-талабаларини касбий маҳоратни шакллантириш, меҳнат таълими жараёнини технологиялаштириш, касбий таълим тизимини такомиллаштириш, каби масалалар эса Р.Жўраев, У.Нишоналиев, П.Магзумов, Э.Чориев, Р.Шермухамедов, А.Ходжабоевлар томонидан олиб борилган тадқиқотларининг мавзуси бўлган.

Технологик ёндашув асосида талабаларда касбий маҳоратни ўстириш муаммоси тадқиқотларни давом эттиришни тақозо қилади. Педагогика борасидаги адабиётларда, касбий маҳоратни ўстиришнинг умумий

муаммолари тўғрисидаги фундаментал тадқиқотларда ўқувчиларни ёш индивидуал ва касбий тайёргарлиглари мажмуали ривожлантириш масаласига етарли эътибор қаратилмаган. Илмий концепциялар кўпчилик ҳолатларда аниқлаштирилмаган ва асосан мавҳум кўринишга эга. Баъзи амалдаги ўқув дастурларида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакалар, уларнинг тизими одатда аниқ илмий асосда эмас, балки эмпирик асосда қурилмоқда.

Касбий маҳоратни ўстириш соҳасидаги изланишлар соф дидактик йўналишда, ёки фақат педагогик методлар воситасида амалга оширилмайди. Ўқувчи-талабаларнинг табиатини, ички шаклланиш механизм-

ларини чуқур англаб етиш, самарали таълим методларини илмий асослаш учун жаҳон педагогикасида мавжуд илғор тажрибаларни ижодий тадқиқ қилиш ва умумлаштиришни талаб этилади. Бундан келиб чиқадики, касбий маҳоратни ўстириш муаммосини ҳал қилиш учун ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратни устиришнинг психологик-физиологик асослари, таълим жараёнида интерфаол методларидан фойдаланиш билан мустаҳкам алоқада тадқиқ қилинмоғи лозим.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларни назарий ва амалий таҳлил этиш магистрлик диссертациясининг асосий ғоясини ташкил этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ислоҳ этиш шароитларида ўқувчи-талабаларни касб-ҳунарга йўналтириш ва уларнинг касбий маҳоратини устириш муаммосининг ечими ҳозирги кунда қисман, яъни касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-талабаларининг ижтимоий-психологик жиҳатларини, бевосита таълим ва ўқув-ишлаб чиқариш жараёнларини мажмуали равишда ўрганмаган ҳолда амалга оширилади.

Кимёвий-технология йўналишидаги илмий тадқиқот ишларида **П.Р.Атутов, С.Я.Батышев, А.П.Беляева**, М.Г.Давлетшин, Р.Х.Джураев, И.Я.Лернер, М.И.Махмутов, К.К.Платонов, Ҳ.Ф. Рашидов, Ў.Д. Хидиров, В.Д. Шадриков, Г.И. Щукина ва бошқалар касбий маҳо-

ратни шакллантириш муаммосида, таълим-тарбия шахсий фаолият, касбга йўналтириш жиҳатларидан кўриб чиқилади.

Касб-хунар таълим тизимида мутахассисларни касбий маҳоратини оширишга оид муаммолар юзасидан бир қанча хамдўстлик мамлакатлари ва республикамизнинг педагог олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришган, булар В.А. Слостенін, З.А. Скакун, К.Ж.Мирсаидов, Л.В. Голиш, У.И. Иноятов, С.Ю. Махмудов, Н.А. Муслимов, А.Р. Ходжабоев, Қ.Т.Олимов, Р.Р. Ҳакимов ва бошқалар.

Кимёвий технологик йўналишдаги коллежларда ўқувчи-талабаларни касб-хунарга йўналтириш, касб танлаш муаммоларига

Р.Ҳ.Жўраев, Ҳ. Ф. Рашидов, А.В. Цой, Ў.Қ. Толипов кабиларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Касб-хунарга йўналтиришнинг психологик муаммолари Й.М. Асадов, А.Зокировларнинг, Г.Ядгарова тақиқотларида акс эттирилган.

Шу билан бирга республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида касбий маҳорат сифати ва самарасига бўлган талабларнинг кучайиб бориши шароитларида касб-хунар коллежлари ўқувчи-талабаларида касбий маҳоратни босқичма-босқич ўстириш хусусиятларини шакллантиришнинг назарий-методик ва амалий томонларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш йўналишидаги долзарб муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Шундай қилиб, касбий маҳоратнинг босқичма-босқич ўстириш бўйича ишларнинг мазмуни ва тизими етарлича аниқланмаган, касбий маҳоратни ўстиришнинг асосий тамойиллари ва қонунчилиги намоён этилмаган. Кимёвий технологик йўналишдаги касб-хунар коллежлари ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини босқичма-босқич ўстиришнинг мезонлари ҳозирги кунда тўлиқ аниқланмаган. Шу билан бирга ўқитувчилар ва ишлаб-чиқариш таълими усталари ҳамкорлиги барча таълим элементларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро алоқаси ва изчиллигига

асосланган аниқ тизимда шакллантириш учун керакли бўлган воситалар билан таъминланмаган.

Тадқиқот муаммосидан келиб чиқиб диссертация мавзусини «**Кимё – технология йўналиши касб–хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш**» деб белгиладик.

Тадқиқот мақсади кимёвий-технологик касб-хунар коллеж ўқувчи-талабаларида касбий маҳоратни ўстиришда уларнинг ёш индивидуал хусусиятларини, касбий тайёргарлиги поғонасини, интерфаол усуллардан

фойдаланиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказишни аниқлаш ва тажриба қилиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўстиришда ёш индивидуал хусусиятлари ҳамда касбий тайёргарлиг поғоналарини белгиловчи мезонларни аниқлаш;

3. Кимёвий технологик йўналишдаги касб-хунар коллеж ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини босқичма-босқич ўстириш тизимини яратиш;

4. Кимёвий-технологик касб-хунар коллеж ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни босқичма-босқич ўстиришда интерфаол таълим усулларини аниқлаш;

5. Кимёвий-технологик касб-хунар коллеж ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни ўстириш методикасини ишлаб чиқиш;

6. Ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда бўлғуси мутахассисларни касбий маҳоратини ўстиришнинг самарали педагогик технологияларини ишлаб чиқиш, тажриба-синов ишлари ёрдамида асослаш.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги: Кимёвий технологик йўналишидаги касб-хунар коллежлари таълим жараёнини илмий асосида ташкил этиш

бўйича кўрсатмалар, ўқувчи-талабалар касбий маҳоратни ўстириш омилларининг аниқланганлиги, ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни босқичма-босқич ўстириш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, касбий маҳорат ўсганлик даражасини белгиловчи мезонларнинг аниқланганлиги.

Тадқиқот предмети: кимёвий технологик йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида ўқувчи-талабалар касбий маҳоратини ўстиришига таъсир этувчи омиллар.

Тадқиқот объекти кимёвий технологик йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни ўстириш жараёни.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида кимёвий технологик йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида ўқувчи-талабалар билими, кўникмалари, малакалари ва касбий маҳоратни ўстиришнинг динамик тизими ишлаб чиқилди. Бу шартлар касб-ҳунар таълимини жадаллаштиришга йўналтирилган бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг амалий фаолиятини фаоллаш-тиришга қаратилгандир. Касбий маҳоратни ўстириш методикасини самарали қўллаш натижасида касбий таълим жараёни жадаллаштирилди. Олинган натижалардан касб-ҳунар коллеж талабаларини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларининг апробацияси. Тадқиқот Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежида тажриба-синовдан ўтказилди. Тадқиқотнинг бориши юзасидан Тошкент кимё технология институти “Касб таълим” кафедрасининг мажлисларида доимий равишда ҳисобот бериб борилди. Диссертация натижалари институт миқёсида ўтказилаган конференцияларда муҳокама қилинди.

Диссертация ишининг ҳажми ва структураси:

Диссертация кириш, 3 та боб, 9 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. Касб–ҳунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг назарий-методологик таъминоти

1.1. Ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўстириш тўғрисида умумий тасаввурлар

Кимёвий технологик касб–ҳунар коллежи ўқувчи-талабаларининг касбий маҳоратини ўстириш учун ўқувчи-талабалар чуқур билим, кўникма ва мала-каларни эгаллашлари керак. Ҳозирги кунда бу тушунча таълим жараёнининг негизини ташкил этади. Шунга кўра педагогика назарияси ва амалиётида ушбу тушунчалар фундаментал аҳамиятга эга. Билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ҳамда уларнинг шаклланиш жиҳатлари психология, дидактика, хусусий методика ва талабаларнинг амалий машғулотларига оид кенг кўламдаги адабиётларда назарий жиҳатдан асослаб берилган [35,50 ва бошқалар].

Билим - атроф борликнинг қонунлари, қонуниятлари, ходисалари, предметлари, далиллари, шунингдек фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, тизимга солиниши ва хотирада мустаҳкамланишидир.

Кўникма - онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнат усулларида кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган (одат бўлиб колган) компоненти - таркибий элементиدير.

Малака - ўқув - инсоннинг ўзидаги билимларга асосланиб, маълум талабларга риоя килган ҳолда меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувлар бирор ишни бажариш учун зарур бўлган ва етарли даражадаги эпчил ҳаракатларни ўз ичига олади.

Кўникма ва малака бир бутун ҳамда қисмлар нисбати каби тушунилади.

Маҳорат - ўзлаштирилган билимларни ижодий ёндашган ҳолда амалиётда қўллашнинг амалга оширилишини билдиради.

Кўпчилик адабиётларда кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни куйидагича қабул қилинган:

БИЛИМ → КЎНИКМА → МАЛАКА → МАҲОРАТ.


Ушбу кетма-кетлик К.К.Платонов [50] томонидан таклиф этилган бўлиб, у бизнинг фикримизча илмий жиҳатдан кўпчилик олимлар томонидан асослаб берилган.


Биз психология, педагогика, дидактика, социология ва ишлаб чиқариш педагогикаси соҳаларида олиб борилган илмий-амалий изланишларга таяниб, малакаларнинг шаклланиш жараёнларини 1.1. жадвалда келтирилган босқичларга ажратамиз [62].

Деярли ҳар қандай ихтисосликдаги мураккаб кўникма таркибига психо-логик турдаги барча малакалар киради. Бирок, ишчи амалга оширадиган ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларига кўра алоҳида малакаларнинг нисбий салмоғи ва аҳамияти турлича бўлиши мумкин.

1.1-жадвал

Билимларнинг кўникма ва малакаларга, малакалар маҳоратга
айланиш шакли





Ўқувчи-талаба малакали ишчилар каби ишлай олиши учун унинг билим-ларини бойитиш ва ихтисослаштириш, касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш лозим бўлади.

Касб таълими - бу педагогнинг талабалар билан ҳамкорликда режали ташкил қилинган фаолияти бўлиб, у талабаларнинг замонавий ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси даражасига мос касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, талабалар маънавий онгини тарбиялашга, уларнинг ақлий ва жисмоний қудрати ва қобилиятларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш техникаси, технологияси, ташкилий иқтисодий асослари тўғрисидаги илмий тушунчаларни, меҳнатга ижодий муносабатни шакллантиришга йўналтирилганидир.

Шундай қилиб, таълимнинг бошқа турларида бўлгани каби меҳнат ва касб таълимида ҳам **икки жиҳат фарқланади**. Улардан **биринчиси** - талаба фаолияти томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши. Бу жиҳат таълим олиш деб аталади. **Иккинчи жиҳат**, талаба фаолияти бўлиб, талабанинг билим ва амалий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ жараён назарий таълимда ўқитиш деб, касб таълимда йўриқнома бериш деб юритилади.

Амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, касбий маҳоратни ўстириш учун талаба касб-хунарга мос бўлган меҳнат машқлари ва ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши лозим. Бироқ ишлаб чиқариш машқлари ўз-ўзидан меҳнатни амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш усуллари эгаллашга хизмат қилмайди. Бунга эришиш учун талабаларни ишлаб чиқариш меҳнати жараёнини ўқув-тарбиявий мақсадларга бўйсундириш лозим бўлади; маълум малака ва кўникмалар шаклланишига хизмат қилувчи ишларни танлаш, талабаларни ушбу ишлар ва уларга раҳбарлик қилишга тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқув масалаларини муваффақиятли ҳал қилинишига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг муҳим шартларидан бири ўқитувчининг ҳар бир ишга маълум кўникма ва малакалар мажмуи

сифатида қараши, талабалар уларнинг қайси бирини эгаллаганликлари ва қайси бири улар учун янги эканлиги, уларни ўзлаштиришга талабанинг қай даражада тайёр эканлигини аниқлашдан иборат.

Ҳар қандай кўникманинг шаклланиш жараёнида агар талаба ўрганаётган ҳаракатининг аҳамиятини тушунмаса, унинг мақсади ва мазмунини англаб

етмаса талаб даражасида бўлмайди. Талаба ўз ҳаракатлари мевасини ўзи аниқ тасаввур қила олиши лозим, яъни - меҳнати маҳсули (унинг миқдорий хусусиятлари ва талаблари), меҳнат предмети (жараёни тўғри бажаришда ҳисобга олиниши лозим бўлган материаллар хусусиятлари), меҳнат қуроллари (машина, қурилма, асбоб ва мосламалар) ҳамда меҳнат жараёнининг моҳиятини (у таркиб топадиган барча ҳаракатлар) тўлақонли англаши, шунингдек, уларнинг вазифанинг тўғри бажарилишини таъминловчи ҳаракатнинг объектив шартлари деб билиш зарур.

Касбий маҳоратни шакллантириш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади:

1- босқичда таълим жараёнида машғул бўлиш, ўз қобилиятларини ривожлантириш ҳолатлари ташкил этилади. Касбий маҳоратни

шаклланишининг бу босқичида таълим олувчилар кейинчалик самарали натижаларга эришишлари учун барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

2-босқичда касбий маҳоратни англаш эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш учун асосий воситалар деб ҳисобланган мақсадга йўналтирилган кимёвий технологик жараёнлардан фойдаланилади.

3-босқичда касбий маҳорат шаклланади, ривожланишга бўлган мойиллик уйғонади. Касбий маҳоратга мотивацион асоси шаклланган ҳолда, танланган касбни эгаллаш бўйича келгусидаги ҳаракатларнинг мақсадлари ва вазифаларига алоқа ўрнатилади.

4-босқич касбий таълим жараёнида доимий амалга оширилиб, шаклланган маослашув кўникмаларини доимий ривожлантириб бориш тадбирларини ўз ичга олади.

Олиб борилган илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежи ўқувчи-талабаларининг касбий маҳоратини шакллантириш модели куйидагича ифодаланди (1-расмга қаранг) [62] :

1 – расм. Ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шакллантириш модели.



1.2. Касбий кўникма, малака ва маҳоратни устиришнинг психофизиологик асослари

Касбий кўникма, малака ва маҳоратни шакллантиришнинг ва уларнинг психофизиологик асослари бир қатор ишларда ёритилган, масалан [12-14, 33, 42,43, 49-52, 60, 61,63, 67 ва бошқалар].

Инсон ўзининг ташқи дунёга бўлган муносабатини фаолият орқали ифодалайди. Фаолият - бу инсоннинг муҳит билан фаол ўзаро алоқаси бўлиб, бунда у ўзида ҳосил бўлган маълум эҳтиёжларини қондириш учун фикран кўйилган мақсадга эришади. Мақсад деганда инсон ўзининг у ёки бу эҳтиёжини қондириш йўлида ташкил этилаётган ҳаракатининг кўзда тутилган натижасидир. Ҳаракат - бу фаолиятнинг нисбатан яқунланган элементи бўлиб, бу жараёнда янада соддарок, бўлакларга бўлинмайдиган маълум анланган мақсадга эришилади. Инсон фаолиятида унинг ташқи (жисмоний) ва ички (руҳий) жиҳатлари чамбарчас боғлангандир. Ташқи жиҳат - ташқи оламга таъсир кўрсатиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар: ирода, билиш, сабаб каби ички (руҳий) фаолият воситасида амалга оширилади ва бошқарилади.

Ички руҳий фаолият ўз навбатида буюмлар, жараёнлар, хоссаларни, улардаги ўзгаришлар мақсадини белгиловчи руҳий модели мутаносибликни аниқлайди, шунингдек, олинган ва кутилган натижаларни ташқи фаолият воситасида йўналтиради ва назорат қилади. Бунда икки турдаги жараёнлар: интериоризация ва экстериоризация муҳим вазифани амалга оширади. Интериоризация - бу ташқи, моддий ҳаракатдан ички идеал ҳаракатга ўтиш жараёнидир. Интериоризация туфайли инсон психикаси берилган вақтда кўриш майдонида бўлмаган буюмлар образлари билан амалларни бажариш имкониятига эга бўлади. Бунда сўз ўтиш жараёнининг муҳим қуроли бўлиб, сўзлашув ҳаракати асосий восита вазифасини бажаради. Бу фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади. У амалий ва назарий фаолиятда режалаштирувчи босқич сифатида юзага келади. Ички ва ташқи сўзлашув усуллари мавжуд. Одатда ички сўзлашув ташқисининг асосида вужудга келади. Ташқи сўзла-

шувнинг ички сўзлашувга ўтишида ташқи сўзлашув структурасининг қисқаруви кузатилади, ички сўзлашувнинг ташқи сўзлашувга ўтиши эса аксинча, унинг мантиқий ва грамматик жиҳатдан мос равишда кенгайиб боришини талаб қилади. Бу иккала қисм ҳам турли фаолият турлари, хусусан, ҳаракатнинг босқичма-босқич такомиллашиб бориш жараёнида муайян касбий фаолият ёки ҳаракат элементларини ўзлаштиришда ҳам муҳим ташкилий қисм бўлиб хизмат қилади.

Экстериоризация - бу ички руҳий ҳаракатнинг ташқи ҳаракатларга ўтиш жараёнидир. Интериоризация ва экстериоризация жараёни уларнинг ташқи (жисмоний) ва ички (руҳий) жиҳатлари ўзаро боғлиқлиги сабабли фаолият жараёнида узвий алоқадорлик хусусиятини касб этади. Бу жараёнлар таҳлили меҳнат ва касб таълимида муҳим аҳамиятга эгадир.

Фаолиятнинг ташқи жиҳати ҳаракат орқали ифодаланиши туфайли уларни механик, физиологик, психологик нуқтаи назардан тавсифлаш мумкин. Механик жиҳатдан ҳаракатнинг хусусиятлари унинг траекторияси, мароми ва кучи билан белгиланади.

Ишчи ҳаракатларни ўзлаштиришнинг физиологик жиҳати ҳаракатнинг траекторияси, мароми ва кучини энергия сарфи ва толиқиш кўрсаткич-ларини камайтириш, шунингдек, маълум ишчи ҳаракатларни ўзлашти-ришдаги машқларни физиологик жиҳатдан асослашни назарда тутати. Ишчи ҳаракатларни физиологик жиҳатларини асослаш психологик жиҳатлар билан узвий боғлиқ равишда олиб борилиши лозим, чунки психоген факторлар (маълум юмуш ва унинг мазмунига қизиқиш, меҳнат шароитлари ва бошқалар) толиқиш ва иш қобилиятининг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳаракатларнинг бажарилиши унинг моҳиятини натижаларга узлуксиз равишда таққослаш воситасида назорат қилиниб, кузатиб борилади.

Ҳаракатларни бошқариш қайтар алоқа принципи асосида олиб борилади. Бундай алоқа воситаси сифатида сезги органлари ҳаракат йўналтирувчиси вазифасини бажарувчи буюм ва ҳаракат белгилари маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Йўналтирувчилар ҳаракат натижасини ўз-ўзидан эмас, балки ташкил этилувчи фаолият мақсадига мувофиқ равишда белгилайдилар. Масалан: шофёр машинани тормозлашда педалга берадиган кучни ҳаракат тезлиги, йўл ҳолати, машина массаси ва бошқа кўрсаткичларга нисбатан мувофиқлаштиради. Шундай қилиб, ҳаракатларни назорат қилиш ва тўғрилаш асосида онгда мақсад сифатида мавжуд бўлган, кутилаётган ҳаракат образларини олинган натижалар билан таққослаш асосида сезги органлари ва мускул ҳаракатларининг ўзаро мутаносиб равишда ишлашини таъминлаш ҳолати ётади.

Фаолиятнинг жараён эканлигини ҳисобга олиб, уни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Мақсаднинг қўйилиши (маълум вазифанинг аниқ аниқланиши).
2. Ишни режалаштириш (ҳаракатлар кетма-кетлиги, ҳар бир ҳаракат учун маълум воситаларни танлаш, ҳаракат ва назорат шакллари белгилаш, ҳаракатнинг бажарилиш мезонларини аниқлаш ҳамда усулларни танлаш кабиларни ўз ичига олади).
3. Фаолиятни амалга ошириш зарур ҳолларда фаолиятни назорат қилиш ва уни мазмунан ва шаклан қайта қуриш таъминланади.
4. Фаолият натижаларини текшириш мавжуд хатоларни тўғрилаш.
5. Режалаштириш ва олинган натижаларни таққослаш (ушбу ҳаракат ишга хулоса яшаш ва уни баҳолаш ҳисобига амалга оширилади).

Таълим жараёнида йўлга қўйилувчи фаолиятлар кўп жиҳатдан маълум ҳаракатларни босқичма-босқич такомиллаштириш қонуниятига асосланган бўлиб, у ўзлаштириш жараёни, унинг босқичлари таҳлили ва моҳиятининг очиқ берилиши ҳамда ўрганувчининг ҳар бир босқичдаги фаолиятини қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилади. Қонуниятнинг марказий тушунчаси - ўрганувчининг характери бўлиб, у шакли, умумлашиш даражаси, ўзлаштириш меъёри каби тушунчалар билан тавсифланади.

Фаолият шакли - ўрганувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни ташқи (моддий)дан ички (ақлий)га узатилишидаги ўзлаштириш

даражаси тушунилади. Фаолият шакли буюм ёки буюмлашган, ташқи сўзлашув (нутқ ёрдамида), ақлий (ҳаракат тасаввур ёки тушунчалар) асосида амалга оширилиши мумкин.

Фаолиятнинг умумлашганлик даражаси - муайян ҳаракатни бажариш учун буюм хоссасини бошқа аҳамиятсиз белгилар ичидан ажратиб олиш даражасини белгилайди.

Фаолиятнинг кенглик даражаси - ўрганувчи томонидан барча бажарилаётган жараёнлар таркибан кичрайиб, ҳаракатлар камайиб боради.

Фаолиятлар ўзлаштириш даражаси - ҳаракатларнинг автоматлашганлик ва тезлик даражасини ифодалайди (бошида у секинроқ бажарилади, ҳар бир жараённинг ўзлаштирилиши давомида иш мароми тезлашиб, автоматлашиб боради).

Шундай қилиб, босқичма-босқич шаклланиш қонунияти шаклан аниқ фарқланадиган (моддий сўзлашув, ақлий) ҳаракатлар кўринишида, ўрганувчининг ўқув - билиш фаолияти сифатида қаралади.

Кўникмалар одатда фаолиятнинг бажарилиш мустақиллиги ва енгиллиги билан тавсифланади. Бу белгилар касбий кўникмаларга ҳам тегишли.

Меҳнат фаолиятининг касбий жиҳатдан усталик ва маҳорат билан бажарилиши касбий бўлмаган кўникмалардан меҳнат натижаларига кўйиладиган замонавий талаблардан келиб чиқувчи, юқори сифат ва сон кўрсаткичларини таъминлаш имконини берувчи, бажарилишнинг мукамаллиги билан белгиланади.

Шаклланган касбий кўникмаларга хос белгилар: фаолиятнинг аниқ ташкил этилиши ва тезлиги, турғунлик (ҳалақит берувчи ҳолатларга қарамасдан ҳаракатларнинг аниқлиги ва маромни таъминлаш кўрсаткичи), мустаҳкамлик (кўникманинг амалий жиҳатдан ҳаракат бажарилмаган даврдаги сақланиш ҳолати), мослашувчанлик (турли ҳолатларда самарали фойдалана олиш ҳамда маълум ҳолатларда энг кўп фойда берувчи услубни қўллаш).

Меҳнат кўникмасини меҳнат фаолияти мажмуини англаган ҳолда, берилган ҳолат учун мақсадга мувофиқ услуб танлай олиш ва шунга кўра

юқори сифат ва миқдорий меҳнат кўрсаткичларига эришишдир деб баҳолаймиз.

Меҳнат кўникмаларининг юқорида қайд этилган хусусиятларидан англанадики, касбий кўникма бу нафақат жисмоний балки ақлий ҳаракатларга ҳам тайёргарлик, маълум ишлаб чиқариш вазифаларини бажара олиш, уларни ҳал қилишнинг энг қулай усулларини танлай олиш, зарур ҳаракатларни режалаштириш ва бажара олиш қобилияти ҳамдир. Касбий кўникманинг ақлий жиҳатларини жисмоний жиҳатлар каби мукамал шакллантириб бориш талаб этилади.

Юқори касбий кўникмани эгаллашга босқичма-босқич эришилади. Таълимнинг дастлабки даврида талаба содда бошланғич кўникмаларни эгаллайди, меҳнат ҳаракатларини номукамал, секин бажаради, ҳар бир ҳаракатни онгли равишда кузатиб, назорат қилиб боради, лекин барибир зарур натижага эриша олмайди.

Дастлабки кўринишдаги кўникма ҳаракатни мақсадли равишда такрорлаш натижасида малакага айлана боради, бунда бир шароитнинг ўзида ўша ҳаракатлар онгли назорат қилмасдан, худди автоматик ҳаракатлардек енгил ва осон бажарилади. Шундай қилиб, малака - шакллантирилган кўникманинг машқлар давомида ҳосил қилинган автоматлашган кўринишидир.

Бундай ҳолатларда малака фақат маълум шароитларда қўлланиладиган малакаларга айланиб бориши кузатилади. Мисол учун чилангарда текис юзани эговлаш малакаси шаклланади. Қандай юзани қанақа аниқликда эговлашни билгач, мос аррани танланиб, намуна ўрнатилади, бироқ чилангарнинг эговлаш жараёнида аррани қандай тутиши, қандай ишчи ҳолатда туриши, юза силлиқ чиқиши учун кучни қандай тақсимлаш лозимлиги тўғрисида ўйламаслиги мумкин. Лекин ишдан чиққан машинани созлаш, технологик жараёни режалаштириш ва умуман бошқа ўзгарувчан ҳолатларда фойдаланиладиган ҳаракатлар фақат қисмангина малакага айланиши мумкин.

Шу билан биргаликда ҳар қандай ижодий, рационализаторлик ёки ихтирочилик фаолияти бир қанча ташкил этувчи малакалардан иборат бўлиб, уларсиз бу фаолиятни амалга ошириш қийин ва ҳатто мумкин бўлмай қолади.

Малака ва кўникмаларни амалга оширишда улар тегишли бўлган меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда турли даражадаги мураккабликка эга бўлади. Хусусан, меҳнат усули, операцияси, меҳнат жараёнини амалга ошириш шулар жумласидандир. Бунда кўпчилик ҳолатларда меҳнат усулини қўллаш кўникмаси тўла автоматлашиши ва малакага айланиши мумкин. Операцияни бажариш кўникмасида одатда фақат бир қанча усулларнинг стандарт бирикмаларигина автоматлашади. Меҳнат жараёнларига келсак, уларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳамма вақт мураккаб тузилишга эга кўникмаларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади.

Психологик жиҳатдан малакаларнинг ҳаракатли, ақлий ва сезги каби турлари фарқланади.

Ҳаракатли малакаларида меҳнат ҳаракатларининг тўғри бажарилишига тайёрлик (уларнинг аниқлиги, тезлиги ва бошқарилувчанлигини таъминлаш) муҳим аҳамият касб этади. Бу малакалар ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ кўникмаларда яққол намоён бўлади. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштиришдан ташқари бошқа меҳнат кўникмаларида ҳам маълум аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш, техник хужжатларни ўрганиш, ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш кабилар билан боғлиқ кўникмаларда фикрлаш жараёнлари ва, демак, ақлий малакалар етакчи аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик замонавий касб эгаларига ақлий малакалар барча турдаги функцияларни бажаришда у ёки бу даражада зарурдир. Сезги малакаларига олов рангига кўра унинг ҳароратини аниқлаш, материал ташқи кўринишига кўра унинг навини аниқлаш, станок иши ҳолатини унинг шовқинига кўра баҳолаш ва бошқа турли қўзғатувчилар таъсирида бўладиган сезги хислари билан боғлиқ ҳолатларни киритиш мумкин. Маълумки, кўпчилик ҳолатларда бу малакалар ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш кўникмаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади; улар ишлаб чиқариш жараёнларини тайёрлаш, амалга ошириш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўникмаларда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Харакатли, ақлий ёки сезги малакалари кескин юқори бўлган ҳолатлар билан биргаликда шундай ҳолатларда ҳам мавжудки, бунда келтирилган малакаларнинг иккаласи ёки барча уч тури ҳам деярли бир хил аҳамиятга эга бўлади. Мисол учун бошқариш асбобларидан фойдаланиш ақлий, сезги, ҳаракатли малакалари қаторига киради. Келтирилган турдаги малакалар янада мураккаброқ турдаги малака ва кўникмаларга бирикади. Мисол учун асосий токарлик операцияси - цилиндрик юзага ишлов беришни қараб чиқайлик. Уни бажариш учун талаба намуна ва кескични ўрнатади ва станокни ростлайди. Бу ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб кўникмадир. Унинг таркиби чизмани тез ва аниқ ўқиш, қирқиш режимини ҳисоблаш, намуна ўрнатиш усулини ва ишга тез тайёрланиш учун мураккаб бўлмаган ҳаракат малакаларини ўз ичига олади.

Станок ишга туширилганда талаба қиринди қалинлиги, ранги ва шаклини, станок товушини, металл қирқиш жараёнини диққат билан кузатади ва лозим бўлган детал элементларини ўлчаб туради. У буюмга ишлов беришдаги шароитда кичик бузилишларни ҳам сезишга тайёр туради ва юз берган ноаниқликларни вақтида бартараф этади. Бу ўринда ишлаб чиқариш жараёни ва уни назорат қилиш билан боғлиқ мураккаб кўникма намоён бўлади. Унинг таркибига ишлов бериш жараёнининг меъёрида бориши учун барча шароитлар тўғрисидаги аниқ билимларга эга бўлиш, мумкин бўлган носозликлар, уларнинг белгилари, сабаблари, бартараф қилиш йўллари билиш, технологик жараённи ташқи белгиларига кўра аниқлаш учун зарур сезги малакалари; ҳолатни тўғри ва тез таҳлил қилиб, хулоса чиқариш учун ақлий кўникма ва малакалар; зарур машқни тез ва аниқ бажариш, диққатни ҳаракатнинг ўзига эмас, балки иш жараёнидаги унинг натижасига қаратиш учун ҳаракат малакалари киради.

Шундай қилиб, деярли ҳар қандай ихтисосликдаги мураккаб кўникма таркибига психологик турдаги барча малакалар киради. Бироқ, ишчи амалга оширадиган ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларига кўра алоҳида малакаларнинг нисбий салмоғи ва аҳамияти турлича бўлиши мумкин.

Демак, талаба малакали ишчилар каби ишлай олиши учун унинг билимларини бойитиш ва ихтисослаштириш, касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш лозим бўлади.

Олий ўқув юртларидаги касб таълими - бу педагогнинг талабалар билан ҳамкорликда режали ташкил қилинган фаолияти бўлиб, у талабаларнинг замонавий ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси даражасига мос касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, талабалар маънавий онгини тарбиялашга, уларнинг ақлий ва жисмоний қудрати ва қобилиятларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш техникаси, технологияси, ташкилий иқтисодий асослари тўғрисидаги илмий тушунчаларни, меҳнатга ижодий муносабатни шакллантиришга йўналтирилганидир.

Шундай қилиб, таълимнинг бошқа турларида бўлгани каби меҳнат ва касб таълимида ҳам икки жиҳат фарқланади. Улардан биринчиси - талаба фаолияти томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши. Бу жиҳат таълим олиш деб аталади. Иккинчи жиҳат, талаба фаолияти бўлиб, талабанинг билим ва амалий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ жараён назарий таълимда ўқитиш деб, касб таълимда йўриқнома бериш деб юритилади.

Таълим бериш жараёнини бошқариш таълим жараёни мазмунини аниқ белгилаш ва уни тўғри тақсимлашни кўзда тутди. Ўрганилиши лозим бўлган материаллар ва уни ўзлаштиришга йўналтирилган талаба фаолияти нисбатан тугалланган қисм ёки бўлақларга ажратилади.

Амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш учун талаба асослари ўзлаштирилаётган касб-хунарга мос бўлган меҳнат машқлари ва ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши лозим. Бироқ ишлаб чиқариш машқлари ўз-ўзидан меҳнатни амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш усулларини эгаллашга хизмат қилмайди. Бунга эришиш учун талабаларни ишлаб чиқариш меҳнати жараёнини ўқув-тарбиявий мақсадларга бўйсун-дириш лозим бўлади; маълум малака ва кўникмалар шаклланишига хизмат қилувчи ишларни танлаш, талабаларни ушбу ишлар ва уларга раҳбарлик қилишга тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқув масалаларини муваффақиятли ҳал қилинишига

эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг муҳим шартларидан бири ўқитувчининг ҳар бир ишга маълум кўникма ва малакалар мажмуи сифатида қараши, талабалар уларнинг қайси бирини эгаллаганликлари ва қайси бири улар учун янги эканлиги, уларни ўзлаштиришга талабанинг қай даражада тайёр эканлигини аниқлашдан иборат.

Ҳап шундаки, ҳар бир ҳолатда таълим мазмуни талаба учун янги бўлган ёки унинг томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаган усул, операция ва жараёнлардан иборат бўлган. Илгари ўзлаштирилган ҳаракатлар кейингиларини ўзлаштириш учун восита бўлиб хизмат қилади. Таълим мазмунини ташкил этувчи қисмларга ажратишда ўқитувчи аввало мазкур кўникманинг меҳнат жиҳатидан эмас, балки ўзлаштириш жиҳатидан мураккаблигини эътиборга олиш лозим бўлади. Шу сабабли талабанинг тайёргарлигига боғлиқ ҳолда ажратилган қисм бир ҳолатда бутун меҳнат жараёнини, бошқа бир ҳолатда операцияни; яна бир ҳолатда ягона усулни қамраб олиш мумкин. Талабаларнинг янги кўникмаларни тез ва тўғри эгаллашлари учун қатор ҳолларда реал меҳнат вазифаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Янги ўрганаётган талабага гарчи у аввалдан унинг таркибига кирувчи операцияни эгаллаган бўлсада жуда мураккаб бўлиб кўриниши мумкин. Бундан ташқари реал меҳнат фаолияти шароитида алоҳида ўрганиш учун баъзи меҳнат операцияларини ажратиб ўрганиш ва уларни такрорлаши баъзи ҳолларда мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолларда ўқув мақсадларида меҳнат фаолиятини моделлаштиришнинг турли усуллари қўлланилади: оддий куроллар ёрдамида бажарилувчи машқлар, тренажерларни қўллаш, ақлий вазифаларни ҳал қилиш ва ҳоказолар зарур.

Ҳар қандай кўникманинг шаклланиш жараёнида агар талаба ўрганаётган ҳаракатининг аҳамиятини тушунмаса, унинг мақсади ва мазмунини англаб етмаса талаб даражасида бўлмайди. Талаба ўз ҳаракатлари мевасини ўзи аниқ тасаввур қила олиши лозим, яъни - меҳнати маҳсули (унинг миқдорий хусусиятлари ва талаблари), меҳнат предмети (жараённи тўғри бажаришда

ҳисобга олиниши лозим бўлган материаллар хусусиятлари), меҳнат куроллари (машина, қурилма, асбоб ва мосламалар) ҳамда меҳнат жараёнининг моҳиятини (у таркиб топадиган барча ҳаракатлар) тўлақонли англаши, шунингдек, уларнинг вазифанинг тўғри бажарилишини таъминловчи ҳаракатнинг объектив шартлари деб билиш зарур.

Ҳаракатнинг шартлари тўғрисидаги билимлар талабага ўқитувчи томонидан маълум қилинади ёки у ўзи уларни амалий ўзлаштиради, бунда у реал ишлаб чиқариш объектларини кузатади ва ўлчаш ҳамда техник ҳужжатлар мазмунини ўрганиб чиқади. Бироқ барча ҳолларда улар - маълум ишлаб чиқариш вазифасини ҳал қилишнинг воситаси ёки шарт-шароитлари вазифасини ўтайди.

Меҳнат ва касб таълимида қўлланиладиган билим шакллари турлича бўлиб, кўрғазмали ҳаракат шаклида, масала шarti кўрғазмали шаклда, уни ҳал қилиш эса ҳаракатлар воситасида амалга оширилади; сўзли ҳаракат шаклида эса масала шarti сўзлар ёрдамида ифодаланиб, уни ҳал қилиш маълум ҳаракатларни талаб этади. Меҳнат ва касб таълимидаги охириги ўринда шакл кўпроқ оралиқ ҳолат бўлиб ҳисобланади, чунки ечим одатда амалиёт билан синаб кўрилади. Кўпчилик ҳолатларда икки ёки уч шакл биргаликда қўлланилади.

Таълим олиш нафақат ташқи меҳнат ёки ўқув, балки янада аҳамиятлироқ ўқув материалини англаш, қабул қилиш, берилган шароитлардан абстракция, илмий фаразлар қуриш, уларни текшириш кабиларни ўз ичига олувчи талаба ички фаолиятини ҳам кўзда тутаяди.

Ушбу ички фаолиятни, шунингдек, йўриқномалар асосида ҳам бажариш лозим бўлади.

Чунончи, таълим беришга йўналтирилган фаолиятни ташкил этишнинг ҳам йўриқноманинг ҳам, мақсади талабаларни ақлий ва жисмоний ҳаракатларни бажаришнинг энг қулай усуллари билан куроллантириш ҳисобланади, бунда тескари алоқани таъминлаш, яъни ҳаракат натижалари тўғрисида ўз вақтида ва ишончли маълумотларни олиб туриш муҳим аҳамият-га эга бўлади.

Йўриқнома давридаги тескари алоқа, таълимнинг бориши ва натижасини назорат қилиш шаклида, таълимда эса ўз-ўзини назорат шаклида намоён бўлади.

Тажрибалар кўрсатишича, маҳсулот ва меҳнат жараёни тўғрисида энг аниқ тасаввурлар ҳам меҳнат малакаларини тез ва аниқ бажарилишини кафолатламайди, ўз ҳаракатлари муваффақиятини назорат қилиш кабиларни ўзлаштириши лозим бўлади. Устанинг муҳим услубий вазифаси шундаки, у талаба янги ҳаракатларни бир йўла тўғри бажара олиш ёки унга эришиш йўллари тасаввур этиш йўналишларини бера олиши билан белгиланади. Меҳнат касб таълимида ўқитувчи ва талабанинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш учун ўқувчи таълим олишга онгли ёндашиши лозим бўлади. Шу сабабли ўқитувчи нафақат талабага кўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун лозим бўлган ахборотларни бериш, балки уларнинг мустақил ва тиришқоқлик билан ўқиши, малака ва кўникмаларни эгаллашда зарур бўладиган энг қулай услубларни топиши ва қўллаш олиши ҳам зарур бўлади.

Таълимнинг турли босқичларида ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти тавсифи ўзгариб боради. Дастлаб ўрганиш секин боради, ҳар бир кўникманинг эгалланиши ўқитувчининг узлуксиз ва тизимли назорати остида боради, ўрганиш онглилиги ва кўникмаси орта боргани сари талабанинг ҳаракатларини назорат қилиш асосларидан ўқитувчининг диққати бу ҳаракат натижаларига кўчирилади.

Шундай қилиб, кўникма ва малака ижтимоий-тарихий тушунча бўлиб, муайян воситаларни қўллаган ҳолда, маълум шароитларда ва аниқ тезликда ривожланади. Талабалар учун ижтимоий амалий фаолият тақозо этувчи, мақсадга мувофиқ ҳаракатлар тизими сифатида мавжуд бўлади.

1. 3. Таълим жараёнида интерфаол методлари

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилмоқда [15,34,36,40,41,49,55,56,57,59,72,73 ва бошқалар]. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очиқда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади [58].

Интерфаол методлар деганда - таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказида бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаш-тирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-

қувватланиши;

- амалда бажариш орқали ўрганилиши;

- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.


2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методининг қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида (1-чизма) “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



1-чизма. “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг

- шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” методи

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топширикни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган (2-чизма).

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топширикни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.



2-чизма. «Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг тузилмаси

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” методи

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.


Ёзма давра суҳбатида (3-чизма) ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади.

Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати”

методининг тузилмаси келтирилган (4-чизма).

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулоти мавзуси эълон қилинади.




Белгилар:
1-таълим олувчилар
2-айлана стол

3-чизма. Давра столининг тузилмаси

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулоти ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда

8. ёнидаги таълим олувчига узатади.
9. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.



4-чизма. “Давра суҳбати” методининг тузилмаси

10. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;

- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга
- бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.


“ИШБОП ЎЙИН” методи

“Ишбоп ўйин” методи - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (таклид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралик натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли ҳарактерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган (5-чизма).

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.
3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.

“Ишбop ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:



5-чизма. “Ишбop ўйин” методининг тузилмаси

4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.
6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.
7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намоён эти олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

“Ишбоп ўйин” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва ҳулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- таълим олувчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда
- имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратилади.

“Ишбоп ўйин” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- вақт кўп сарфланади;
- танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- таълим олувчининг ҳис-ҳаяжони тўғри қарор қабул қилишга ҳалақит бериши мумкин.

“РОЛЛИ ЎЙИН” методи

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.


Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир

таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган (6-чизма).

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:



6-чизма. “Ролли ўйин” методининг тузилмаси

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга

жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” методи

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида (7-чизма) “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:



7-чизма. “Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” методи


“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган (8-чизма).

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг
5. келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.



8-чизма. “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

7. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.
8. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

9. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:


- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- кўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

“ЛОЙИҲА” методи

“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараён-ларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуктаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган (9-чизма).



9-чизма. “Лойиҳа” методининг босқичлари

“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилин-

ган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни куйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гуруҳий иш;
- жамоа иши.

Ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган интерфаол машғулотларда ўқувчи-талабаларнинг фаол иштирокини жадаллаштириш талаб этилади.

Ҳар бир ўқитиш фаол методи ўз хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликлари эга. Уларни гуруҳли иш доирасида қўллаш махсус билимлар ва кўникмаларни, аниқ коммуникатив кўникмаларни талаб этади

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратнинг шаклланиши учун ўқитувчининг педагогик маҳорати, танлаган таълим методлар ва шакллари, машғулотларни дидактик қонунларга асосланган ҳолда ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнининг мақбул даражада ташкил этилиши, машғулотларда интерфаол методларнинг қўлланилиши нафақат касбий билим, кўникма ва малакаларни шаклланишига, балки ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратнинг шаклланиши ва касбий фаолиятга тайёрлашнинг аниқ оптимал йўллари белгилашда хизмат қилади. Шу борада, интерфаол усуллардан фойдаланиш асосида ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўстириш методикаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежларида "Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси" йўналиши бўйича махсус фанлардан ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиёти даврида эгаллайдиган касби бўйича меҳнат шароитини ўрганиш билан бир қаторда мазкур шароитни давр талаби асосида қандай ташкил этиш йўллари ўргатиб боришда таълимнинг илғор технологияларини қўллашга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

II БОБ. Касб–ҳунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг илмий методик тизими

2.1. Ўқувчиларни ёш индивидуал хусусиятларни аниқлаш

Замонавий ишлаб чиқариш технологиясида нафақат бирор бир касб эгасига, балки мазкур технологияни яратаётган ва ана шу технологияни бошқараётганларга ҳам тезда ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий талабларни қўйилаётганлигига мунтазам равишда эътибор берилади. Танлаган касби доирасида ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш билан, уларнинг келгуси амалий фаолиятларида зарур бўлган хусусиятлар: меҳнатсеварлик, янгиликка интилувчанлик, сабр-тоқат ва бардошлиликнинг тарбиялаш лозим бўлади.

Таълим технологиялари авлодининг алмашилиши кўп жиҳатдан таълим воситаларининг ривожланиши билан белгиланади. Мақсад ўқувчи-талабаларнинг турли илмий ғоялар ва тушунчаларни ўзлаштириб олишини таъминлаш, уларни маълумотларни таҳлил қилишга ва тегишли хулосалар чиқара билишга, шунингдек, бошқа ақлий қобилиятларини намоён этишга ўргатишдан иборатдир.

Бунинг учун албатта ўқувчи-талабанинг ахборотни қабул қилиш қобилиятлари, шахсий-психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Психологик хусусиятларни чуқур ўрганиш, берилаётган ахборотнинг қандай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлашга имкон яратади.

Шахснинг психологик хусусияти ундаги психик ҳолатларни, унинг ўзгариш жараёнларни ўзида акс эттиради.

Психологик жараёнлар - бу атроф муҳитнинг таъсири натижасида, унга бирламчи таъсир кучини акс эттирувчи шахснинг психик ҳолатидир.


Психик хусусиятлар - шахснинг ўзигагина хос бўлган, ўзини тутишини. фаолиятининг маълум бир даражасини таъминловчи. шахсни доимо намоён этиб турувчи хусусиятлардир. Шахснинг хусусиятлари куйидаги турларга

бўлиниди: йўналганлик, темперамент, феъл-атвор, қобилият.

Психик ҳолат - ҳар қандай ҳолатда шахс психикасининг ишлаш сифати, берилган вазифани бажара олиш қобилиятидир.

Шахснинг психологик хусусиятларига таълим жараёнида таъсир этувчи бир канча омиллар мавжуд (2-расм). Таълим жараёнида ўқувчи асосий шахсга айланади. Демак шахснинг қандай шаклланиши бевосита таълим-тарбия жараёнига ва унда қўлланиладиган тарбия усулларига боғлиқдир.

2 - расм. Шахснинг психологик хусусиятларига таъсир этувчи омиллар.



Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Ўқувчи-талабалар ёш индивидуал, психо-физиологик ҳолатларини аниқлаш учун биз иловаларда келтирилган қуйидаги эксперт-тест сўровномалардан фойдаландик [37, 38]:

- КҲК ва АЛ ўқувчиларида маънавий – маърифий таълимнинг шаклланганлигини аниқлаш бўйича тест саволлари - сўров варақаси;
- Ўқувчининг ўқув фаолиятда шахси шаклланиши жараёни субъектидек аниқлаш тестлари:
 - ўқувчининг дарсларга муносабати компоненти;
- Ўқувчининг ўқув фаолияти субъекти сифатида шаклланиши жараёнини тузилиши ва шароитларини аниқлаш бўйича тестлар:
 - ўқувчининг ўқув манфаатлари компонентаси;
 - эмоционал (хис-тўйғу) компоненти (шахс сифатида шаклланишга муносабат);
 - манфаат компоненти (шахс сифатида шаклланишнинг манфаатлари ва уларнинг йўналтирилганлиглари);
 - интеллектуал компоненти (шахс сифатида шаклланишни тўшиниш ва унга тайёрланганлик);
 - иродавий компоненти (шахс сифатида шаклланишда иродавий фаолликни намоён этиш ва шахсий тавсифларни такомиллаштириш);
- Ўқувчининг социометрик статуси (ўқув гуруҳининг жамоавий - ижтимоий портрети);
- Ақл-идроқий, ижтимоий ва шахсий тузувчилари бўйича руҳий ривожланиш (ўқув гуруҳининг руҳий - физиологик портрети);
- Ўқувчининг шахсий - индивидуал хусусиятлари (фан бўйича ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш);
- Ўқувчиларнинг билими, кўникмалари ва малакаларини баҳолаш мезонлари;

- Таълим муассасаси психологик муҳитининг аҳамиятли тавсифларини ёзиб чиқиш:

Ўқув гуруҳида психологик иқлимнинг аҳамиятли тавсифларини ёзиб чиқиш;

- Таълим муҳити ўқувчиларнинг барча руҳий ривожлари жihatларига таъсирининг хоссалари:

шахсни индивидуал руҳий хоссалари бўйича тестлар (характерни тезкор ташхислаш учун мослашув тести);

- Темпераментни аниқлаш.

2.2. Ўқувчиларни касбий тайёргарлиги поғонасини аниқлаш

Тажриба-синов ишларидан мақсад – ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратнинг дастлабки даражасини аниқлаш, касбий маҳоратлик қобилиятларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган методикани амалий синовдан ўтказишдан иборат бўлади.

Ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратнинг дастлабки даражасини аниқлаш мақсадида махсус сўровнома анкеталаридан фойдаланилди.

Ўқувчи-талабаларга тарқатилган сўровномадаги саволлар қуйидагича тузилган:

1. Сизни нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мутахассислиги бўйича касб танлашингизга нима сабаб бўлди?
 1. Танлаган касбингиз ҳақидаги маълумотларни қаердан олдингиз?
 2. Танлаган касбингиз фаолияти ҳақида қандай маълумотларга эгасиз ?
 3. Таълим жараёни давомида олган маълумотларингиз сизнинг фикрингизни ўзгартирмадими?
 4. Танлаган касбингизга ота - онангизнинг муносабатлари қандай?
 5. Ўқишни тугатгач меҳнат фаолиятингизни қаерда олиб бормоқчисиз?

Сўровномадаги жавобларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 1 - курс ўқувчи-талабаларнинг кўпчилиги ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича кенг маълумотга эгалар. Назорат гуруҳи ўқувчи-талабаларининг асосий қисми (70%) ўз хоҳиш-истаклари билан бу касбни танлаган, 30% ўқувчи-талабалар эса касбни ота-онасининг истаги, бировларнинг таклифлари орқали танлаган, ўзларида мазкур касбга нисбатан айтарли даражада қизиқиш йўқ.

Назорат ва тажриба гуруҳлари мактабда қониқарли ўзлаштиришга эга бўлган 9 синф битирувчи ўқувчи-талабалари бўлиб, асосий ҳолларда ижобий фазилатларга эга бўлганлар. (1-жадвал).

Ўқувчи-талабаларнинг таълим муассасасига келган вақтининг илк босқичидаги умумий ўзлаштириш даражалари кузатилди. Баъзи ўқувчи-талабаларда умумий ривожланишнинг сустлиги, яъни ўтиладиган ўқув материални

яхши тушунмаслиги - 30%, ёмон хотира - 20%, диққат - эътибор пастлиги - 35% ва б.ш.к. кузатилди. Ўқувчи-талабаларнинг кўпчилиги ўз касбини тасодифан, яъни: ота-оналарининг тавсиясига кўра - 60%, дўстлари тавсияси бўйича - 26% танлаган эканлиги аниқланди. Ўтказилган суҳбатларнинг кўрсатишича, ўқувчи-талабаларнинг кўпчилик қисмида (70%) ўз кучига ишончсизлик, танланган касбни яхши эгаллаб олишга умидсизлик кузатилган.

1-жадвал.

Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг фундаментал фанлар бўйича назорат тадқиқот ишларида аниқланган билим даражалари.

Гуруҳлар №	Ўқувчи – талабалар	Ўзлаштириш баҳоси (ўрта баллда)		
		адабиёт	кимё	меҳнат таълими
Тажриба гуруҳлари				
ДТ3 – 08 (1гр)	12	3,9	3,6	4,4
ДТ14 – 08 (1гр)	13	3,7	3,7	4,5
ДТ9 – 07 (гр1)	10	3,6	3,7	4,5
НП1 – 08 (1гр)	11	3,7	3,5	4,1
НП2 – 08	13	3,5	3,4	4,5
НП8 - 07	10	3,6	3,6	4,4
ДТ10 – 07 (гр1)	10	3,4	3,7	4,2
ДТ10 – 07 (гр2)	10	3,4	3,5	4,5
Жами	89			
Назорат гуруҳлари				
ДТ3 – 08 (2гр)	11	3,8	3,7	4,5
ДТ14 – 08 (2гр)	13	3,6	3,6	4,4
ДТ9 – 07 (2гр)	10	3,7	3,8	4,6
НП1 – 08 (2гр)	12	3,8	3,6	4,3
НП1 – 08 (1гр)	12	3,6	3,5	4,4
НП7 – 07	11	3,7	3,7	4,5
ДТ10 -07 (3гр)	11	3,5	3,8	4,3
ДТ 9 – 07 (3гр)	10	3,3	3,6	4,4
Жами	90			

Тадқиқот давомида касб-ҳунар коллежларига кирган ўқувчи-талабаларнинг аксарият қисмида мактаб даврида олган фундаментал фанлар бўйича билимларнинг ўзлаштириш даражалари ўртача бўлганлиги аниқланди. Шу нуқтаи назардан, кимёвий технологик йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида ўтиладиган айрим махсус фанларга ёндаш бўлган умумтаълим фанлар бўйича ўқувчи-талабаларнинг билим даражаларини аниқлаш бўйича олиб борилган назорат тадқиқотларида қуйидагилар аниқланди.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда тадқиқот давомида умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини ҳам домий равишда кузатиб борилди. Кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежларида махсус фанлар бўйича машғулотлар асосан тажрибали ўқитувчилар томонидан ўтказилди, уларнинг аксарияти касб-ҳунар таълими соҳасида катта меҳнат стажига эга бўлган мутахассислардир.

Амалий таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг касбни кенгроқ, мукамалроқ ўрганишлари, фикрлаш қобилиятларини ўстиришлари, касбий билим, малака ва кўникмалари шакллантириб борилди.

Тажриба - синов ишлари қуйидаги услубларда олиб борилди. Тажриба синов ишларида иштироқ этган ҳар бир кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежида "Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси" йўналиши бўйича биринчи йил таълим олувчи ўқувчи-талабаларнинг орасида **анкета - сўрвномалари ўтказилди.** Биринчи курс якунида уларнинг ўзлаштиришидаги фарқлари аниқланиб, бунинг натижасида махсус ва умумтаълим фанларини энг яхши ўзлаштирган ўқувчи-талабалар аниқланди.

Шу мақсадда **касбий фикрлаш, эътиборлилик, берилган топшириққа ва вазифаларга нисбатан сидқидиллик ва масъулиятлилик, ташаббускорлик.** жумладан, замонавий **кичик мутахассис фазилатларига кирувчи шахс хусусиятлари ўрганилиб** борилди.

Тажриба жараёнида ўқувчи-талабаларнинг амалий таълимдаги фаолияти

ва **меҳнат интизоми кўрсаткичлари** ҳамда танланган касбий соҳасидаги билимларни, умумий меҳнат ва касбий билим, кўникма ва малакаларини эгаллашдаги кўрсаткичлар сифатида қабул қилинди.

Бунинг учун **ўқув амалиёти устидан назоратни амалга ошириш имконини берадиган бир қатор тестлар ишлаб чиқилди**. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ўтказилган ўқувчи-талабаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг кундалик назорати, иш куни фотосура-тини тушириш ва машғулотларнинг ташкил этиши, ўқувчи-талабалар билан ўтказилган савол-жавоблар ва суҳбатлар улар ўртасидаги фарқни аниқлашга имкон яратиб берди.

Тадқиқотнинг ҳар бир босқичида ўрганишнинг асосий мақсадлари белгиланди. Шулардан келиб чиққан ҳолда қўйилган мақсадларга мос бўлган бир-бирини тўлдирувчи турлича услублар танланиб, шу услубларнинг ишончлилигини текшириш усуллари қўлланилди.

Махсус фанларни ўргатиш жараёнида янги ташкил қилинган гуруҳларда дидактик шароитлар ҳамда ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратга қизиқишни ўстириш ва шакллантириш воситаларини аниқлаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. "Касбга кириш", "Касбни эгаллаш" ва битирув "Касбий амалий имтиҳонлар" босқичларида олинган натижаларга кўра **касбий маҳоратнинг шаклланиши даражасининг мезонлари ва услуби аниқлаб** борилди.

Ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шакллантириш учун мақбул дидактик шарт-шароитлар ва воситаларни қўллаб ўтказилган изланиш тадқиқотлари натижаларини текшириш, биз томондан таклиф қилинган касбий йўналиш бўйича мутахассисликни эгаллашдаги дифференциациялаш усулининг самарасини исботловчи тавсияларнинг текшируви ўтказилди. Тадқиқотда иштирок этувчи **ўқувчиларнинг касбий мослашувини шаклланиши ва ривожланиши даражаси аниқланди**.

Мутахассисликка кириш даврида ўқувчи-талабалар шахси ҳар томонлама ўрганилиб чиқилди. Умумий тайёргарлик даврида, **ўқувчи-талабаларнинг билимга интилиш фаоллиги, ўқиш жараёнида уларнинг ҳуққини таҳлил**

қилишга катта эътибор қаратилди.

Бу босқичда асосан махсус фанлар бўйича машғулотларда самарали дидактик шарт-шароитларни қўллаш орқали ўқувчи-талабаларнинг билимга қизиқувчанлиги, касбий маҳорати ривожлантирилди.

Касбий фанлар ва амалий таълим ўқитувчиларини тадқиқотда иштирок этиш учун тайёрлаш мақсадида маърузалар, амалиёт-тренинглар ўтказилди, билимдонлик ва қизиқувчанликни тарбиялашга оид алабиётлар ўрганиб чиқилди, тажриба-синовнинг самарали услублари тавсия этилди.

Тажриба - синов ишлари бўйича олиб борилган тадқиқот давомида касбий маҳоратни шакллантириш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ўқувчи-талабаларнинг касбий қизиқиши, унинг турғунлиги ва чуқурлиги турли касблар бўйича ҳар хил гуруҳлардаги ўқув-тарбиявий жараённинг хусусиятларига узлуксиз боғлиқлиги каби омиллар аниқланди.

Касбий маҳоратни шакллантириш педагогик таъсир натижасида янада турғун бўлади. Махсус фанлар бўйича олиб борилган машғулотлар ҳамда амалий таълим жараёнида турли таълим усулларининг қўлланишига, педагогнинг маҳоратига, иш услубига ҳамда ҳар бир гуруҳдаги тарбиявий ишларни олиб бориш савиясига боғлиқдир.

Касбни эгаллаш давридаги синов-тажриба ишларида **ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шакллантириш компонентларига** алоҳида эътибор қаратилди: кўрғазмалилик тамойили асосида таълимнинг техник воситаларини ялпи қўллаш; илмий-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш; махсус ва касбий фанлар машғулотларида фанлараро алоқани боғлаш; доимий равишда муаммоли вазиятларни яратиш; доимий равишда ишлаб чиқариш муаммоларини ечиш; дарслик ва қўлланмалар билан мустақил ишлаш; тажрибали педагогларнинг иш фаолиятини ўрганиш; махсус фанлар ва касбий таълимга оид илмий-оммабоп адабиётларни ўқиш, таҳлил қилиш, давра суҳбатлари ташкил этишга ва х.к.

Яқуний-назорат даврида бутун тадқиқотнинг диққат марказида назарий ва амалий таълимни боғлаб турувчи амалий машғулотлар ўтказилди. Амалий

машғулотларни ўтказишнинг энг муқобил шакли сифатида ўқув-меҳнат фаолиятини иш жараёни шароитига яқин ҳолатда ташкил қилиш мақсадида ҳар бир ўқувчи-талаба учун тегишли шароитлар яратилди, шунингдек касб-ҳунар коллежига яқин бўлган ишлаб чиқариш цехларида ҳам машғулотлар ташкил этилди.

10 – 16 ўқувчидан иборат ўқув гуруҳи ўқув гуруҳчаларига бўлиниб 3-4 кишидан ишлаб чиқариш цех ишчилари гуруҳларга бўлиндилар. Ҳар бир ўқувчи-талабага ўзи бириктирилган иш жойлари бўйича топшириқлар берилди. Топшириқ бажарилган сари ўқувчи-талабалар орасида иш жойлари алмашинди. Ўқувчи-талабаларнинг бошқа иш жойларига ўтказилиши ҳар бир амалий машғулот вазифасига кўра ясадвал бўйича алмашинув графиги асосида амалга оширилди.

Амалиёт машғулотларида берилган топшириқларнинг бажарилганлигини текшириш учун кузатув дафтарлари юритилди.

Яқунловчи тажриба-синов ишларининг кўрсатишича, амалий машғулотларни коллежга яқин бўлган ишлаб чиқариш цехлар шароитида ўтказиш самаралироқ натижа беради.

Барча босқичларда фанлараро алоқани боғлаш, техник ўқув воситаларининг кенг қўлланилиши, ўқув жараёни ва аудиториядан ташқари ишни олиб боришда ишлаб чиқариш этикаси билан таништириш орқали кўпгина масалалар муайян ечиб борилди.

Инженер-педагог жамоалари билан олиб борилган кўп йиллик иш тажрибаси педагогларга муайян кўмаклашиш, махсус фанлар бўйича дарсларни олиб боришнинг мумкин бўлган вариантларини кўриб чиқиш ва уларга оид маслаҳатлар бериш, уларни таҳлил қилиш, ўтказиладиган иш режалари ва услубини биргаликда ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида хулоса қилишга имкон берди.

Тадқиқот давомида инженер-педагоглар учун **"Кимёвий технологик йўналишидаги касб-ҳунар коллеж ўқувчи-талабаларининг касбий маҳоратини шакллантиришнинг дидактик шартлари"** мавзуда махсус йўриқнома ишлаб чиқилди. Масалан, ўқувчи-талабалар билан "Эгаллаётган

мутахассисликлари бўйича мазкур касб соҳасида замонавий таълим-тарбия технологияларидан фойдаланиш касбий маҳоратни шакллантириш йўли сифатида" мавзусида олиб борилган машғулотларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Педагог янги материал бўйича ахборот беради (бу энг осон йўл бўлиб, ҳар доим ҳам ижобий натижа бермайди).

2. Педагог ўқувчи-талабаларга тегишли адабиётларни ўқиб чиқиб, фан ва таълим соҳасидаги энг янги ютуқларни шарҳлашни таклиф қилади (топшириқларни барчага мажбурий, ёки хоҳловчиларга эркин тарзда бериш мумкин).

3. Инженер-педагог ўқувчи-талабаларнинг ўзига янги ютуқлар тўғрисидаги маълумотларини излаб топишни ўзининг фикрини билдиришни таклиф қилади (излашнинг фақат йўналишини кўрсатиш мумкин).

Олинган натижалар муҳокама қилинади.

Назарий дарс таҳлилининг шакли қуйидагича белгиланди:

- Дарс санаси; фан номи; машғулот мавзуси; қўлланилган услуб; фан ютуқлари материалларидан фойдаланиш усуллари; ўқувчи-талабанинг мавзуга бўлган муносабати; фанга оид бўлган қизиқишларни нима уйғотди; мавзуга оид бўлган қандай саволлар берилди.

Тажриба-синов ишини ўтказиш жараёнида махсус фанлар бўйича намунавий кўргазмалар тайёрлаш, таълим - тарбия жараёнида янги таълим воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича маълумотлар бериш, таълим усулларини таснифланиши ва таълим муассасаси тарбияланувчилари билан индивидуал ишлаш каби мавзулар бўйича очик дарслар ўтказилди.

Касбий маҳоратни шакллантиришга асосий эътибор қаратилган дарсларга тайёргарлик қилиш ва унинг таҳлили бўйича янги дарс шакллари ишлаб чиқилди

Ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шакллантириш мақсадидаги дарсларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

Дарслар мазмуни:

- 1 Машғулот рақами ва санаси;
- 2 Машғулот мавзуси;
- 3 Машғулот материалининг янгилиги;
- 4 Фан ва таълим технологияларининг ривожланиш тарихи;
- 5 Ўзлаштирилаётган касб соҳасида таълимнинг замонавий ютуқлари;
- 6 Амалий машғулотларни кўрсатиб ўтиш;
- 7 Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш;
- 8 Қизиқарли элементларни ташкил этиш.

Дарсда ўқувчи-талабалар фаолиятини ташкил этиш:

- 1 Мустақил ишлар;
- 2 Махсус фанлар бўйича топшириқлар;
- 3 Методик машғулотларни режалаштириш бўйича топшириқлар;
- 4 Ижодий топшириқлар;
- 5 Илғор педагогларнинг тажрибасини қўллаш.

Дарс услуби:

- 1 Дарсда муаммоли вазиятларни ҳал қилиш;
- 2 Фанга бўлган қизиқиш ва касбий топшириқларнинг мукамаллиги;
- 3 Дарсдаги ҳиссий ҳолат ва ўқувчилик фаолиятини сақлаш;
- 4 Ўқувчи-талабаларни ижодий ва қизиқиш фаоллигини рағбатлантириш;
- 5 Ўқувчи-талабаларни махсус фанга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;
- 6 Ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида фаол қатнашишларига ундаш;
- 7 Дарсда қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар усуллари.

Уй вазифалари:

- 1 Ўтилган билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар;
- 2 Билим, малака ва кўникмаларни ривожлантириш учун машқлар ;
- 3 Фикрлаш фаоллиги, тасаввур, кузатувчанлик жараёнларини ривожлантириш учун топшириқлар:
- 4 "Ойлик иш режа" дастурини тузишни ўрганиш ва изланиш технологик жараён тартиблари қисмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар;
- 5 Таълим муассасаларининг ютуқлари ҳақида. маълумотлар йиғиш:
- 6 Таълим технологиялари асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича ижодий топшириқлар;

7 Маҳоратли педагог - тарбиячиларнинг тажрибасини ўрганиш.

Ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шаклланганлигининг кўрсаткичлари:

- Ҳиссий таъсирланишнинг айнан қайси жараёнда намоён бўлиши;
- Фаолият жараёнидаги диққат, унга берилиб кетиши ёки чалғиб кетиши;
- Ўз ихтиёрига кўра муаммоли вазиятларни ҳал этиш юзасидан муҳокамаларда иштирок этишга интилиши;
- Бутун машғулот давомидаги фаоллиги;
- Ўқитувчи ва ўртоқларига берган саволларнинг мазмундорлиги:
- Маҳоратли педагогларнинг тажрибасини кўллашга интилиши;
- Билим, малака, кўникмаларини намоён қила олиши;
- Жиҳозлар, технологик жараённи яхшилаш бўйича таклифлар бера олиши.

Дарс бўйича умумий хулоса:

- Дарсда касбий маҳоратни шакллантириш учун қандай сабоқ берилди;
- Энг самарали усул деб қайси усул қабул қилинди;
- Аниқланган камчиликлар сабаби нимада.

Тажриба-синов машғулотларида инженер-педагог ва ўқувчи-талабаларнинг фаолияти ҳамда ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шакллантиришнинг методик усуллари таҳлил қилинди, кузатув баёнлари тузилди,

улардаги натижаларни назорат гуруҳларидаги натижалар билан солиштирилди.
(2 - жадвал).

Тадқиқотда касбий маҳоратни ўқувчи-талабаларда шаклланганлик даражаларини аниқлашга асосий ўрин ажратилган. Доимий равишда ўқувчи-талабаларнинг ўқув амалиёти ва педагогик амалиёт давридаги фаолияти устидан кузатув олиб борилди.

Ўқувчи-талабалар ва корхона раҳбарлари ўртасида сўровлар ва суҳбатлар ўтказилди. Таълим босқичлари бўйича ўқувчи-талабалардаги касбий маҳоратнинг шаклланиб бориши даражасини аниқлаш орқали таклиф қилинган дидактик шарт-шароитлардан фойдаланиш самараси аниқланди.

2-жадвал

Касбий маҳоратни шакллантириш учун муаммоли вазиятлар яратилган тажриба машғулотларининг таҳлили

1.	Ўқитувчининг фаолияти	Ўқувчи-талабалар фаолияти
	Билим манбаини кўрсатган ҳолда билимга интилиш вазифасини ривожлантириш	Аввал ўрганилганларни такрорлаб, янги шароитларда англаб оладилар, солиштирадилар, аниқ шароитларда кўллаш усулларини излайдилар.
2.	Ўқувчи-талабаларга маълум бўлган кўшимча материалдан фойдаланиб, диққатни аниқ мақсадга жалб қилиш	Аниқ билим объектининг моҳиятини очишда кўшимча материални кўллаш усулларини излайдилар.
3.	Ўқувчи-талабаларнинг диққатини тортиш йўллари ва ечим усулларини очмасдан маълум бўлган билим	Топширикни бажариш усулларини мустақил излайдилар, хулосалар чиқарадилар, кўшимча ахборотдан фойдаланадилар.
4.	Ўқувчи-талабаларнинг диққатини илгари маълум бўлмаган билим объектига қаратиш	Кўшимча (топшириққа кўра) материалларни жалб қилиб янги материални мустақил ўзлаштирадилар; янги шароитларда уни кўллаш усулларини кўриб чиқадилар.
5.	Натижалар муҳокамасини ташкиллаштириш (шаклланган малакага кўра)	Биргаликдаги муҳокамада иштирок этадилар, ўрганилаётган объектнинг хусусий белгиларини ажратиш усулларини таърифлайдилар ва классификация қиладилар (кўшимча объектга йўналтирилган ҳолда)
6.	Мустақил иш	Якка тартибда бажарилади, бироқ мақсадга эришиш усуллари биргаликда муҳокама қилинади.

7.	Материални баён қилиш. Материални асослашга керак бўлган масалаларни қўйиб изоҳлаш.	Пассив тинглайдилар. Саволларни тинглаб. тушуниб оладилар, мазмунан жавоб берадилар.
8.	Ечим усулларини кўрсатмасдан аниқ топшириқларни қўйиш. Топшириқ мавзуларини аниқлаш.	Ечим усулларини аниқлайдилар, асослайдилар, асосланмаларни биргаликда солиштирадилар. Ечиш усулларини ахтарадилар, биргаликда асослайдилар.

Тажриба-синов ишлари таълимнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ўлчовларини танлаш масаласида биз ҳозирги кимёвий технологик йўналишдаги касб-хунар коллежининг асосий вазифаси - малакали кичик мутахассислар тайёрлаш самарасини ошириш ва фаол турмуш тарзига эга ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш эканлигини эътиборга олган ҳолда ёндошдик.

Агар ўқувчи-талабалар фаолиятида ташқи кўринишдан аниқлик ва яқиндан такрорлашда намоён бўладиган қабул қилиш ва эслаб қолиш хусусиятлари устун турса, улардаги **касбий маҳоратнинг шаклланиши суст даражада деб белгиланди.**

Агар ўқувчи-талабалар ҳаракатларни намунага кўра такрорлашни машқ қилсалар, улар шу усулдаги фаолият ҳаракатини амалга оширишнинг билим, кўникма ва малакаларига эга бўлади, уларнинг **касбий маҳорати ўртача даражада деб белгиланди.**

Агар ўқувчи-талабалар ўз фаолиятида назарий билимларини ижодий, яъни янги аввал нотаниш вазиятда қўллаб, янгиликни билишда ташаббус кўрсатсалар, **касбий маҳорат даражаси юқори бўлади деб белгиладик.**

Тажриба-синов ишларининг ялпи таҳлили ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратнинг шаклланишида омил бўлиб хизмат қилган интеллектуал, фан-мазмуни, сабабли-ҳиссий ва ирода компонентларининг ривожланиши, шунингдек, меҳнат самарадорлиги, иш сифати ва касбий-малака ҳаракатчанлигини баҳолаб берувчи касбий маҳоратни шаклланиш даражасини аниқлаш ишлари махсус ишлаб чиқилган методика бўйича ўтказилди. (3 - жадвал).

Ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шаклланганлик
даражасини белгиловчи омиллар

Мезонлар	Ўқувчи-талабаларда касбий маҳорат даражасини аниқловчи омиллар	Ўқувчи-талабаларда касбий мослашув омилларини шакллантириш компонентлари
"Юқори -85% ва ундан юқори Ўрта-71-85% Паст 55-70 %	Интеллектуал компонент элементлари ва уларнинг ўқувчиларда ривожланганлик даражаси	1.Диққат 2.Таълим элементларини ўзлаштириш 3.Ижодий фикрлаш
Юқори - 85% ва ундан юқори Ўрта-71-85% Паст 55-70 %	Фан-мазмунни компоненти элементлари ва уларнинг ўқувчиларда ривожланганлиги	1. Танланган касб соҳасидаги соҳасидаги назарий билимларга эгалик: 2. Касбий билим, кўникама ва малакаларни эгаллаш
Юқори - 85% ва ундан юқори Ўрта-71-85% Паст 55-70 %	Сабабли-ҳиссий компонент элементлари ва ўқувчиларда ўқувчиларда ривожланганлиги даражаси	1.Танланган касб соҳасидаги назарий назарий билимларга эгалик, танланган касб танланган касб соҳасида камолот ва билимга интилиш. 2.Касбий фаолият жарёнида иштиёк ва мамнуният. 3.Касбий фаолият жарёнида иштиёк ва мамнуният, ўз мала-касини оширишга эҳтиёж
Юқори - 85% ва ундан юқори Ўрта-71-85% Паст 55-70 %	Ирода компоненти компоненти элементлари ва уларнинг ўқувчиларда ривожланганлиги даражаси	1. Интизомлилик. 2.Масъулиятлилик ва сидкидиллик. 3.Мақсад йўлида қатъийлик. ташаббускорлик

2.3. Интерфаол усуллардан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш

Кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлашнинг муҳим бир омили нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш методикасини ўқитиш сифатини яхшилаш, назарий билимларни ҳаётга, мутахассислигини ошириш тажрибаларига боғлаш, ҳозирги шароитда таълим муаммоларини ҳал этиш учун маҳоратни ошириш жараёнини ўрганиш ва уни таҳлил қила билиш, қисман изланиш орқали дастлабки тажрибалар ўтказишдир.

Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари бўйича инженер педагоглари амалдаги ўқув режалари ва махсус фан дастурларида кўзда тутилган амалий машғулот ва ўқув амалиётини бу тарзда ўтказишлари ўқувчи-талабада шакланган билим, кўникма ва малакани босқичма-босқич амалиётда кузатиш ва таҳлил қилиш, конкретлаштириш, билимларни пухталаш, ишонч ҳосил қилиш орқали таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имкониятини беради [64].

Нон ишлаб чиқариш технологияси бўйича ажратилган соатларда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятлари, нон хусусиятлар, хом-ашёни сақлаш, хамирни етилтириш хусусиятлари каби мавзулар бериладиги, ўқитувчи кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежи ўқувчи-талабаларни кузатишда худди шу масалаларга ўқувчи-талабанинг диққат эътиборини қаратмоғи, уларнинг фаоллигини оширмоғи лозим [66].

Озиқ-овқат технологияси фанида эса амалий ишлар асосан цехларда ишлаш, малакани ошириш ҳамда методикаларига оид мавзуларга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида комил инсон тарбиясида кенг ва пухта билим бериш, ўқитувчига таълимнинг хилма-хил усуллари, шаклларидан фойдаланган ҳотда таълим жараёнини ташкил этиш вазифаси кўйилган. Бундай вазифани бажариш учун бўлажак кичик

мутахассислар богчада тарбиячининг иш тизимини ва хусусиятларини, таълим принциплари, методлари, шакллари тизими кабиларни билишлари лозим.

Махсус фан ўқитувчиси тақвим-режа тузаётганда амалий ишларни кўзда тутиши ва саволларни аниқ бериши, касбий фаолиятга оид вазифалар берган ҳолда касбий маҳоратни шакллантириши лозим бўлади. Аниқ мавзу асосида кузатилган машғулотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, машғулот давомида ўқувчи-талабага эркин фикрлаш учун шароит яратилганда у касбий фаолиятга оид у ёки бу масала юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини кенгрок билдиради.

Мутахассислик бўйича намунали машғулотлар ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари, имкониятлари ва воситаларини намоёиш қилиш учун ўтказилади.

Ўқувчи-талабаларнинг билимларини текшириш, мустаҳкамлаш ва такрорлаш асосий таълим усулларида бири бўлгани ҳолда, уларда касбий маҳоратни шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитларидан биридир.

Муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва уларни таълим жараёнида ҳал қилиниши ўрганилаётган фан қонунлари ва воқеликларини мустаҳкам ва чуқур эгаллашларига, мантиқий фикрлашларининг ривожланишига, англаб олишларига, ташаббусларига, қўйилган мақсадга эришиш учун хоҳиш ва тиришқоқлик қобилиятларининг кенгайишига ёрдам беради. Иштирокчиларнинг эътибори ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоларни ҳал қилиш жараёнида ойдинлашади, уларда эгаллаётган касбга нисбатан маҳорат пайдо бўлади.

Муаммоли вазиятларни яратиш ва шунга ўхшаш вазифаларнинг берилиши унинг услуби ва дидактик мақсадлари бўйича турлича бўлади.

Вазифаларнинг берилишига кўра, улар учун типик кирралари намоён бўладиган турли белгилари орқали синфларга ажратиш мумкин, масалан. ҳал қилиш услуби бўйича, берилиши бўйича, қийинчилик даражаси бўйича, мақсадга йўналтирилгани ва б.ш.к.

Таълим бериш жараёнида масалалар-саволлардан кенг фойдаланилади, яъни улар шундай масалаларки, уларни ҳал қилишда у ёки бу воқеликни

сифатли даражада тушунтириш, берилган шароитларда унинг ҳал қилиниши иўллари олдидан айтиб бера олиш маҳорати талаб қилинади.

Таълим жараёнида ролли ўйинларни қўллаш ҳам ўқувчи-талабаларда эгаллайдиган касбига бўлган маҳоратнинг ортишига хизмат қилувчи услуб-ардан ҳисобланади.

Масалан: "Амалий машғулот" курси бўйича " Озиқавий ёғлар ва мойлар" мавзусидаги машғулотда "Конкурс" ўйин дарсини олиб бориш тартиби билан танишадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларни кўришимиз мумкин.

Ўйин дарсининг мавзуси, мақсади, мавзудан кутиладиган натижалар, ушбу мавзу бўйича ўқувчиларни баҳолаш мезонлари ва машғулотни олиб бориш тартиби тушунтирилади. Сўнг, иккита кичик гурутутар тузиб олинади ва бу гуруҳлар ярим доира шаклида қарама-қарши бўлиб ўтирадилар.

Кичик гуруҳлар ўз гуруҳларига ном берадилар (Мисол учун: "Бунёд", "Зукко") ва ўз сардорларини сайлайдилар. Сардорлар "эксперт", яъни баҳоловчи вазифасини бажарадилар.

Гуруҳ сардорлари томонидан топширик варақалари тарқатилади:

1-топширик: Турли хилдаги хамирларга ишлов бериш.

2-топширик: маргарин қадоклаш сифатини ошириш.

Кичик гуруҳлар томонидан топшириқлар олингандан сўнг, чизмаларга қараб касбий фаолият бошланади. Охиста мусиқа янграйди. Битта команда турли хил хамирларга ишлов берадилар, бошқаси эса маргарин қадоклаш сифатини оширадилар. Намуна сифатида – нон ва маргарин сифатини ошириган ўқувчи-талабаларнинг маҳсулотлари кўрсатилади.

Белгиланган вақт тугагач, ўқувчи-талабаларга яхши кўриниши учун махсус тайёрланган столларга ҳар бир команда тайёрлаган тайёр маҳсулотларини кўядилар.

"Экспертлар" ўқитувчи бошчилигида бажарилган ишларни баҳолайдилар. Баҳолар эса балл тарзида кўрсатилади:

- "10 балл" - аъло;

- "7 балл" - яхши;

- "5 балл" - ўрта.

Шу тартибда кичик гуруҳ иштирокчилари балл жамғарадилар.

Ҳакамлар ҳайъати кичик гуруҳлар томонидан бажарилган ишларнинг ютуқ ва камчилик томонларини кўрсатиб ўтадилар.

Ўйиннинг 2-босқичида қизлар касбий маҳоратларга доир ҳамирлардан қандолат маҳсулотлари пиширадилар ва бир-бирларига 2 хил ёки 3 хил ва ундан ортиқ тайёр маҳсулотларни кўрсатадилар ва турли хил қандолат маҳсулотлари бўйича саволлар берадилар. Кўп ширишлик турларини санаган қизлар кўпроқ балл оладилар. Ғолиб гуруҳ рағбатлантирилади ва ўқитувчи хулосаси билан машғулотга яқун ясалади.

Машғулот давомида ўқувчи-талабаларнинг касбга оид кўпроқ маълумотга эга бўлишлари таъминланади, шунингдек иштирокчиларда касбий маҳоратни шакллантиришнинг бир шарти сифатида уларда эътибор ва кузатиш хислатларини тарбиялашга хизмат қилади.

Демак, кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежи ўқувчи-талабаларида касбий маҳоратнинг шаклланиши жараёнини кузатишлар натижасида шулар аниқландики, **касбий қизиқиш ва касбий маҳорат босқичма-босқич амалга ошади. Биринчи босқичда** қизиқиш эмоционал, тўйинган ҳолат кўринишида бўлиб, унда иштирокчилар бевосита ўзлари фаолият юритиши лозим бўлган муҳит шароити билан кизиқадилар. **Иккинчи босқичда** ўқувчи-талаба кимёвий технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежида ташкил этиладиган ўқув амалиёти жараёнида меҳнат шароитига яқин жиҳозланган махсус ўқув хоналарида эгаллаши лозим бўлган фаолият билан шуғулланадилар, касбий маҳорат кўникмалари шакллантирилади.

Бунинг учун таълим муассасаси ва ўқитувчилар томонидан қуйидаги шароитлар яратилиши кўзда тутилади: дарсларда банд қилувчи шароитни яратиш; ўқишда муайян кийинчиликларга эга бўлган иштирокчиларда

муваффақиятга эришиш шароитларини яратиш; дарсларнинг ғоявий йўналишини кучайтириш.

Ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган интерфаол машғулотларда ўқувчи-талабаларнинг фаол иштирокини жадаллаштириш талаб этилади.

Тадқиқот давомида биз Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-талабалари орасида олиб борилган аниқ фанлар бўйича машғулотлар давомида касбий маҳоратнинг шаклланиши бўйича ўтказгн тажриба ишларида айрим дидактик усуллар ва услублардан фойдаланилди. Қуйида тажриба давомида самарали натижалар берган услублардан мисоллар келтирилади.

Дарсларда банд килувчи шароитни яратиш. Биз касбий маҳоратни шакллантириш жараёнини ўқувчи-талабанинг дарсда берилган билимларни эгаллаш маҳоратини, диққатни жалб қилишни, кизиқтиришни деб тушунамиз.

Бунда иштирокчиларнинг диққатларини жалб килувчи ҳайрат ҳиссини уйғота оладиган жараёнлар, воқеалар, фанларнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Шу билан бирга қизиқтириш - бу ўқувчи-талабанинг ҳиссиётларига таъсир қилиб, билим олишга интилишнинг пайдо бўлишига ва барча иштирокчиларда уларнинг билимлари, кўникмалари, малакаларидан қатъий назар фаол фикрлаш фаолиятига тайёргарликка кўмаклашадиган ўқитувчининг услубидир.

Қизиқтириш услубидан бошланғич эътиборни ташкиллаштириш ёки қандайдир ғайриоддий далиллар ва услублар билан ўқув материалларни бериб, қийин англаш фаолиятига ўтиш билан ўқувчиларнинг ҳайратларини, ажабланишларини уйғотиш учун фойдаланилади.

Эмоционал кечинмалар ҳайратларнинг самараси ёрдами билан яратилди, бунинг учун ғайриоддий тажрибалардан, парадокслардан фойдаланиш лозим бўлади. Масалан, "Дон ва донни қайта ишлаб чиқариш технологиялар" бўйича машғулотларда эгаллайдиган касб бўйича фаолият олиб бораётганларнинг илғор тажрибалари ўрганилади. Ўқитувчи ўрганилаётган фаолият

доирасига оид шундай мисоллар келтириши керакки, ўқувчида бундан ҳайратланиш пайдо бўлиши лозим. Мисоллар шундай бўлиши лозимки, унда хар кандай оғир ҳолатларда аниқ қарорлар қабул килиниши, қабул килинадиган қарор натижага ижобий таъсири кўрсатишини исботланиши лозим. Фавкулотдаги ҳолатлар ҳақидаги бундай мисоллар иштирокчиларда натижага нисбатан ўз ижобий фикрларни билдирган ҳолда уларда хурсандчилик ҳисси уйғотилади, эгаллаши лозим бўлган касбга нисбатан ҳурматни тарбиялайди. Аксарият ҳолларда ўқувчилар ўзлари эгаллайдиган касб ҳақида кўпроқ билишни истайдилар ва биз уларга берадиган айрим касбий фаолиятга тегишли муаммоли вазиятларни ўзларининг имкониятлари доирасида ҳал килишга ҳаракат қилдилар.

Қизиқтириш усулидан дарс жараёнида фойдаланиш жуда яхши самара беради. Ўқитувчи қизиқишни психик жараёнларга таъсир этувчи асосий омил эканлигини тушуниши. қизиқтиришдан айни пайтда кутилаётган мақсадни аниқ билиши лозим бўлади.

Касбий маҳоратни шакллантириш учун дарсда дидактик воситалар комплекси (моделлар ва табиий намуналар, схемалар, иштирокчилар тайёрлаётган макетлар, диафильмлар, мунозара, бахслар ва бошқалардан) фойдаланиш мумкин.

Ўқишда муайян қийинчиликларга эга бўлган иштирокчиларда муваффақиятга эришиш шароитларини яратиш. Маълумки, муваффақият хурсандчилигини мавжуд ҳолатдаги ҳодисага иштирокчининг қайғуриши, қийинчиликларни бартараф этиш йўллари биргаликда излаши, изланишлар ва кўрилган чора тадбирларнинг кейинчалик муваффақиятга олиб келишига ишонтириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Муваффақиятга эришиш шароитлари ўқувчи-талабаларга у ёки бу ўқув вазифасини бажаришдаги қийинчиликка дифференциялашган ҳолда ёндашиш йўли билан яратилади. Бундай ҳолат яхши ўзлаштиролмаётган ўқувчи-талабалар учун алоҳида тайёргарликнинг берилаётган даражасида мос келувчи

вазифани бажаришга имкон берувчи карточка-маслаҳатлар, кутилаётган жавоб режалари, кейин эса биринчисига ўхшаш бўлган вазифани мустақил бажариш оркали яратилади. Муваффақиятга эришиш шароити иштирокчиларнинг оралик ҳаракатларини рағбатлантириш йўли билан баҳоланади.

Муваффақиятга эришиш шароитларини яратишда у ёки бу ўқув вазифаларни бажаришда етарли маънавий муҳитни таъминлаш муҳим рол ўйнайди. Яхши микроклим таълим жараёни даврида ишончсизлик, кўрқув ҳиссиётини камайтиради.

Қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этиш хурсандчилиги касбий маҳоратнинг шаклланиши жараёнини уйғотиш сабабидир. Муваффақият қанча кўп бўлса, қувонч ҳам шунча кўп бўлади ва ўқувчи-талабада эгаллаши лозим бўлган касби бўйича олиб бориладиган фаолиятга нисбатан мослашув ортади.

Касбий фаолиятдаги муваффақиятларга эришиш йўллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларга мунтазам равишда берилиб турилиши лозим.

Бунда ўқувчи-талабада ўзидаги шаклланган касбий билим, кўникма ва малакаларни қиёслаш, меҳнат натижаларини мустақил ўзлари танқид қи-либ баҳолаш, ўз ишларидаги камчиликларини кўриш қобилиятлари шакллантирилади.

Янги мавзунини ўтишдан аввал ўтган мавзу бўйича муваффақиятларга эришган ўқувчи-талабалар эълон қилинади, энг зўр ўқувчи-талабаларнинг фамилиялари алоҳида таъкидлаб ўтилади. Илғор ўқувчи-талабалар ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, мавзуга оид материалларни ўрганишда асосан нимага эътибор бериш кераклиги ҳақида гапириб берадилар.

Дарсларнинг ғоявий йуналишнинг кучайтириш. Дарс мазмунини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалалари, ишлаб чиқариш мажмуалари, илғор корхоналарнинг ҳаёти, эгалланаётган касбнинг жозибасини очиш, маҳаллий ресурслардан ва мавжуд урф-одатлардан кенг фойдаланиш билан боғлаган ҳолда ўқувчи-талабага етказиш яхши самара беради.

Ўқитувчи махсус таълим воситалари, услублар, аппаратлар, жихозларнинг бой тўплами билан бўлажак мутахассисни дунёкарашини кенгайтириши, жамият ва меҳнат бозори талабларини эътиборга олган ҳолда касбий маҳоратни шакллантиришга эътибор бериши лозим.

III БОБ. Кимё – технология йўналиши касб–хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини босқичма-босқич ўстириш методикаси

3.1. “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси“ фани бўйича ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришга йўналтирилган машғулотлар ишланмаларини ишлаб чиқиш

Айтайлик, кимё–технология йўналиши касб–хунар коллежининг (КХК) қайсидир ўқув гуруҳида ўқувчилар билим сифати $\alpha = 52\%$, ўзлаштириш эса $\beta = 62\%$ ни ташкил қилса, таълим муассасаси (ТМ) да якуний натижани, ўқувчилар билими ва ўзлаштиришини 100% га чиқариш керак. Вахоланки, натижа бирданга 100% га чиқиши мумкин эмас. Уни амалга ошириш учун ўқувчилар билим сифати ва ўзлаштиришини аста-секинлик билан босқичма-босқич ошириш керак, яъни, $\Delta\alpha$ ва $\Delta\beta$ ни амалга ошириб.

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда, КХК да ўқув–тарбиявий жараёни сифатини оширишда қуйидаги алгоритм қўлланилди [18]:

- (1). Ўқув-тарбиявий жараёнини тўзувчи тавсифларини асосий тўпламини аниқлаш;
- (2). Кўриладиган гуруҳ бўйича t вақтда ўқув жараёнини тўзувчи тавсифларини нормал ҳолатдан четланганларини аниқлаш;
- (3). Ўқув жараёнини тўзувчи тавсифларини нормал ҳолатдан четланганларини ҳар бирини алоҳида, уларнинг ҳар ҳил тўпламларини ва хаммасини нормаллаштириш мураккаблиги даражасини аниқлаш;
- (4). Ўқув жараёнини тўзувчи тавсифларини нормал ҳолатдан четланганларини ҳар бирини алоҳида, уларнинг ҳар ҳил тўпламларини тиклаш кетма-кетлигини аниқлаш;
- (5). Ўқув жараёнини тўзувчи тавсифларини нормал ҳолатдан четланганларини ҳар бирини алоҳида, уларнинг ҳар ҳил тўпламларини

тиклаш ташкилий, методик, дидактик, ижтимоий – психологик таъсирлар тадбирларини аниқлаш;

(6). t вақтда педагогик жамоанинг ушбу таъсирлар тадбирларини амалга ошириш бўйича имкониятларини аниқлаш t ;

(7). (6)га асосланган ҳолда, таъсирлар тадбирларини тўла амалга ошириш даражасини аниқлаш. Ушбу билан таълим муассасасида $t + \Delta t_1$ вақтда ўқув жараёни сифатини у ёки бошқа ошириш фойизи (%) миқдори аниқланади;

(8). (7)га асосланган ҳолда керакли таъсирлар тадбирларини тўла амалга оширишга эришиш кетма-кетлигини (режалаштиришни) аниқлаш. Ушбу билан $\Theta_1 = (t + \Delta t_1)$, $\Theta_2 = (\Theta_1 + \Delta t_2)$, $\Theta_3 = (\Theta_2 + \Delta t_3)$ ва ҳақозо вақтларга тегишли, ўқув жараёни сифатини ошириш кейинги қадамлари - ошириш фойизлари аниқланадилар;

(9). Ўқув жараёни сифатни ошириш ҳар бир қадамидан сўнг, тикланган алоҳида тўзувчи тавсифларни ва уларнинг тўпламларини курувдан чиқариш ва таъсир тадбирларини тўла амалга ошириш кейинги улчовини аниқлаш.

Юқорида қайд этилган алгоритм асосида КХК “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси“ фани бўйича [23] тажриба гуруҳи ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришга йўналтирилган машғулотлар ишланмаларини ишлаб чиқдик.

Махсус ташкил этилган эксперт гуруҳи “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни технологик жиғозлари“ фани бўйича тажриба гуруҳи ўқувчиларининг муаммоларини аниқладилар.

Ўқув гуруҳи бўйича эксперт гуруҳи томонидан аниқланган муаммолар:

1. Ўрганиладиган мавзуларни сўст ўзлаштирувлари.
2. Ўрганиладиган мавзуларни сўст умумлаштириш.
3. Фанни мустақил ўзаштиришга қобилиятлари пастлиги.
4. Билимларни олишга ва ўзлаштиришга интилишларини сўстлиги.
5. Ҳар хил фанлар мавзуларини боғлай ололмаслиг.
6. Компьютерда ишлай ололмаслик.

7. Амалий масалаларни ечишда доимо ёрдамга муҳтожлар.
8. Ўқув-услубий адабиётларнинг етмаслиги.
9. Назарий билимларни амалий масалаларни ечишда қўллаш қобилиятларининг пастлиги.
10. Алоҳида мавзулар бўйича билимларни умумлаштира ололмаслик.
11. Чертёжларни, формулаларни, масалалар ечилишларини асл моҳиятини тушинишларини сўстлиги.
12. Ўрганиладиган фаннинг терминологиясини тушинишларини сўстлиги.
13. Олинган билимларни ёдлаб қолишларини сўстлиги.

Мазкур муаммолар мураккабликлари даражалари ва кетма-кет амалга оширилишлари бўйича 3 блокка бўлиндилар. 1чи мураккаблик даражаси – 1 блок: {12; 13; 8; 7}. 2чи мураккаблик даражаси – 2 блок: {11; 10; 5; 4}. 3чи мураккаблик даражаси – 3 блок: {1; 2; 3; 6; 9}.

Мазкур муаммолар босқичма-босқич бартараф этилишлари лозим топилди.

Педагогик тажрибанинг биринчи босқичида {12; 13; 8; 7} муаммоларни ҳал этиш лозим топилди.

Мураккаблик даражалари бўйича ўқитувчилар ва ўқувчилар муаммоларини аниқлаш.

1чи мураккаблик даражаси. Ўқитувчи муаммолари. Ташкилий: ўқув хоналарда асбоб ускуналарнинг етарли эмаслиги; фан бўйича лаборатория йўқлиги. **Методик:** махсус ўқув адабиётларнинг етарли эмаслиги; ёш ўқитувчилар тажрибаси пастлиги. **Дидактик:** амалий ўқитиш бўйича қўлланмалар йўқлиги; сифатли ўқув адабиётларни йўқлиги. **Ижтимоий-психологик:** махсус адабиётнинг қимматлиги; янги ишланмалар ва малака ошириш учун доимий вақт етмаслиги.

1чи мураккаблик даражаси. Ўқувчи муаммолари. Ташкилий: ўз ўқув фаолиятини ташкил эта ололмаслик; кироатхоналарда ва компьютер синфларида МТБ сўстлиги. **Методик:** коллежда ўқиш мотивациясининг пастлиги; ўқитувчиларнинг ўқувчиларга талаблар даражасининг пастлиги. **Дидактик:** билимларга юқори (паст) талаблар планкаси; машғулотлар маълумотлар ва дидактик усуллар

билан кўп юклатилганлиги. **Ижтимоий-психологик:** касбга эга бўлишга қизиқиш-ни юқотиш; 2-3 босқичларда ишга жойлашиш билан ўз моддий аҳволларини тўзатиш.

1чи мураккаблик даражаси бўйича муаммоларни амалга ошириш чоратadbирлари.

Ўқитувчи. Ташкилий: лаборатория ишларини ташкил этиш ва керакли асбоб ускуналар ва приборлар билан жиҳозлаш. **Методик:** фан бўйича ўқув ва методик қўлланмаларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш; ўрганиладиган мавзулар мазмуни ва характериға мос дарс ўтишнинг аниқ методикаларини ишлаб чиқиш. **Дидактик;** амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш; ўрганиладиган мавзулар бўйича электрон версияларини яратиш ва қўллаш. **Ижтимоий-психологик:** махсус ўқув адабиётлар билан таъминлаш; ўқитувчи ўз вақтини рационал сарфлаш ва ижодий ишлар учун кўпроқ қўллаш мақсадида ЎТЖ ташкил этиш ва юритишнинг оптимал тизимини ишлаб чиқиш.

Ўқувчи. Ташкилий: ўқувчилар вақтини, эҳтиёжларини ва қизиқишларини инобатға олган ҳолда кироатхона ва компьютер синфлари ишларини ташкил этиш. **Методик:** ўқувчиларға ўқитувчилар томонидан талабларни кўчайтириш; ўқувчиларни танлаган касбига қизиқишларини ошириш. **Дидактик;** ўқувчилар учун ўқув фаолиятларини бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш; машғулотларни керакли тарқатма материаллар билан таъминлаш. **Ижтимоий-психологик:** ўқувчиларни фанлар тугаракларига жалб этиш.

Ушбу муаммоларни самарали ечишда (*ўтиладиган машғулотлар тури бўйича мақсад ва вазифалари, мазмунининг хусусиятлари, ҳамда ўқитувчини ўқитиш, ўқувчиларни ўзлаштириш қобилиятларини ҳисобға олган ҳолда*) қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади:

1. “Ақлий хужум”;
- 2 “Кичик гуруҳларда ишлаш”;
3. Ўқувчиларда фикрлаш тезлигини ошириш ва муаммони шакллантириш – ватманда келтирилган сўзлар орқали ўтилган мавзунини ёритиш;
4. “Зинапоя”;

5. “Мини маъруза”

6. “Мулоқот” - янги мавзуни мустаҳкамлаш.

Педагогик тажрибанинг иккинчи босқичида {11; 10; 5; 4} муаммоларни ҳал этиш лозим топилди.

2чи мураккаблик даражаси. Ўқитувчи муаммолари. Ташкилий: самарали ўқув технологияларини қўлланишининг етарли эмаслиги; ўқув синфида намоён этилиши керак бўлган материалларнинг етарли эмаслиги. **Методик:** назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш учун самарали услубий қўлланмалар ва тавсиялар, технологик хариталар йўқлиги; фанлар аро интеграция (ФАИ) тизимининг йўқлиги; фан ичидаги боғланишлар (ФИБ) тизимининг йўқлиги. **Дидактик:** ўқувчилар ўзлаштириш даражаларининг ҳар ҳиллиги; махсус гуманитар ва яхлит таълим муҳитининг шаклланиш тизимининг йўқли-ги. **Ижтимоий-психологик:** коллеж ўқитувида психологик ва ижтимоий махсус билимларнинг етарлича мавжуд эмаслиги.

2чи мураккаблик даражаси. Ўқувчи муаммолари. Ташкилий: кичик гуруҳларда машғулотлар ўтказилмаслиги; мутахассислик бўйича махсус имло луғатлари, маълумотномалар, альбомлар йўқлиги. **Методик:** назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш бўйича самарали тарқатма материалларнинг йўқлиги; фанлар аро интеграция тизимининг намоён этилишининг йўқлиги; фан ичидаги боғланишлар тизимининг намоён этилишининг йўқлиги. **Дидактик:** кругозор торлиги; ахборот технологиялар бўйича сўст тайёргарлик (ШЭХМ қўллаш, интернетдан фойдаланиш); ўқув фаолияти субъектларини шакллантиришнинг махсус тизими йўқлиги. **Ижтимоий-психологик:** касби бўйича ишга жойлашишига ишончи йўқлиги; ўқишни қабул этиш даражасининг пастлиги.

2чи мураккаблик даражаси бўйича муаммоларни амалга ошириш чора-тадбирлари.

Ўқитувчи. Ташкилий: ўқитувчини ўқитиш, малакасини ошириш, тажриба алмашишни таъминлаш; фан мавзулари бўйича намоёиш этиш материалларни ишлаб чиқиш. **Методик:** назарий ва амалий машғулотлар бўйича самарали методик қўлланмалар, тавсиялар, технологик хариталар ишлаб чиқиш; ФАИ

тизимини ишлаб чиқиш; ФИБ тизимини ишлаб чиқиш. **Дидактик;** кичик гуруҳларда ўқиш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш; гуманитар ва яхлит таълим муҳитини шакллантиришнинг элементларини ва ташкил этувчиларини ишлаб чиқиш; ўқувчиларни ўқув фаолиятида субъектликларини шакллантиришнинг элементларини ва ташкил этувчиларини ишлаб чиқиш. **Ижтимоий-психологик:** ёш ва амалий психологияси ва социологияси бўйича керакли билимларни ўрганиш.

Ўқувчи. Ташкилий: кичик гуруҳларда ўқитиш; ўқитувчи билан намоёиш этиш материалларини ишлаб чиқишда ҳамкорли қатнашиш (шакллар, чертёжлар, муляжлар, моделлар ва ш.к.). **Методик:** технологик хариталарни ўзлаштириш ва қўллашнинг самарали тизимини яратиш; фанни ўрганишда ФАИ тизимини ўзлаштириш ва қўллаш; фанни ўрганишда ФИБ тизимини ўзлаштириш ва қўллаш. **Дидактик;** кичик гуруҳларда ўқишни билиш; фан тугаракларида қатнашиш; ўқув фаолиятида субъектлик талабларига мослиғни таъминлаш. **Ижтимоий-психологик:** коллективлик, коммуникативлик қобилиятларини ва шахсли фазилатларни ривожлантириш.

Ушбу муаммоларни самарали ечишда (*ўтиладиган машғулотлар тури бўйича мақсад ва вазифалари, мазмунининг хусусиятлари, ҳамда ўқитувчини ўқитиш, ўқув-чиларни ўзлаштириш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда*) қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади:

1. “Рефлексия” – ўқувчилар билимини текшириш;
2. “Кичик гуруҳларда ишлаш”
3. “Ақлий хужум”;
4. “Мини маъруза”.

Педагогик тажрибанинг учинчи босқичида {1; 2;3; 6; 9} муаммоларни ҳал этиш лозим топилди.

3чи мураккаблик даражаси. Ўқитувчи муаммолари. Ташкилий: ўқитувчи дарсга тайёргарлигининг етарли эмаслиги; дарсни тузиш методининг самараси етарли эмаслиги; ўқувчиларни ўз-ўзларини баҳолаш, ўз-ўзларини ташкил этиш, ўз-ўзларини таҳлил этишга ўргатиш ва ўқувчилар билан тескари боғланиш

тизимини шакллантириш методларини самараси етарли эмаслиги; компьютер технологияларини ўзлаштириш ва қўллашни етарли эмаслиги; назарий ўқитишда амалий масалаларни, мисолларни, машқларни мажмуали қўллашнинг етарли эмаслиги. **Методик:** индивидуал ўқитишнинг самарали ташкил этилмаганлиги; ўтилган мавзуларни ҳисобга олган ҳолда мажмуали масалалар, тестлар, техник диктантлар мавжуд эмаслиги. **Дидактик:** ўқитишнинг ва назорат этишнинг янги дидактик методларини ишлаб чиқилишлари ва уларни қўлланишлари мавжуд эмаслиги.

Ижтимоий-психологик: коллеж ўқитувида психологик ва ижтимоий махсус билимларнинг етарлича мавжуд эмаслиги.

3чи мураккаблик даражаси. Ўқувчи муаммолари. Ташкилий: дарсга тайёр эмаслик (дарс жадвалининг билмаслик); фан мавзуларини конспектлаштирмалик; ўз-ўзларини баҳолаш, ўз-ўзларини ташкил этиш, ўз-ўзларини таҳлил этишга ўргатиш ва ўқитувчилар билан тескари боғланиш тизимини шакллантириш қобилиятларининг етарли эмаслиги; компьютер технологияларини қўллашда билимлар етмаслиги; амалий масалаларни ечишда назарий билимларнинг асл моҳиятини етарлича тушуна олмаслик. **Методик:** мустақил ишга қизиқиши йўқлиги; назарий ва амалий билимларни мажмуали ўзлаштириш қобилиятлари мавжуд эмаслиги. **Дидактик:** масалаларни турли усуллар билан ечиш имкониятлари мавжуд эмаслиги. **Ижтимоий-психологик:** ўқувчиларнинг руҳий-физиологик ҳолатлари даражаси сўстлиги.

3чи мураккаблик даражаси бўйича муаммоларни амалга ошириш чоратadbирлари.

Ўқитувчи. Ташкилий: ўқитувчининг дарсга тайёрланишини замонавий ёндашувларини ўрганиш; шахсли-мўлжалланган, муаммоли-йўналтирилган ўқитиш методларини ўрганиш; компьютер технологиялари орқали ўқитишни ўрганиш; масалалар ва машқларни компьютерда ечиш тизимини ишлаб чиқиш. **Методик:** ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг метод ва усулларини ишлаб чиқиш (индивидуал топшириқлар тизиминини яратиш); ўқувчиларни билим,

кўникма, малакаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш. **Дидактик;** инитерфаол методларини қўллашнинг дифференциалаштирилган тизимини ишлаб чиқиш.

Ижтимоий-психологик: психология ва социология бўйича махсус адабиётларни ўрганиш.

Ўқувчи. Ташкилий: ўқув жараёнида ўз-ўзини ташкил этишни ривожлантириш; доимий равишда конспектларни ёзиб бориш; қўшимча адабиётларни ўрганиш; компьютер саводхонликни ривожлантириш; амалий масалаларни ечишда ижодий қобилиятларни ривожлантириш. **Методик:** ўқитувчи вазифаларини сўзсиз бажариш; ўрганилаётган мавзулар бўйича билим, кўникма, малакаларни тизимлаштириш қобилиятларини ривожлантириш. **Дидактик;** фанни ўзлаштиришда техник қобилиятларни ривожлантириш. **Ижтимоий-психологик:** спорт тугараклари ва мусобақаларда қатнашиш; фан олимпиадалари, танловларда иштироқ этиш.

Ушбу муаммоларни самарали ечишда (*ўтиладиган машғулотлар тури бўйича мақсад ва вазифалари, мазмунининг хусусиятлари, ҳамда ўқитувчини ўқитиш, ўқув-чиларни ўзлаштириш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда*) қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади:

1. Ақлий хужум” – ўтилган мавзунини қайтариш;
2. “Мини маъруза” – кириш йўриқномалаш;
3. “Мулоқот” – жорий йўриқномалаш;
4. “Кичик гуруҳларда ишлаш” – якуний ёўриқномалаш.

3.2. Педагогик тажриба – синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш

Тажриба – синов ишлари уч босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич – ўтиш вақти: 02.02.10 – 03.03.10. Мазкур босқич бўйича тажриба-синов – баҳолаш дарси ўтилди. Дарснинг тузилиши, ўтиш мазмуни, технологик харитаси тузилди ва тегишли дарслар ўтилди.

Иккинчи босқич – ўтиш вақти: 04.03.10 – 05.04.10. Мазкур босқич бўйича тажриба-синов – баҳолаш дарси ўтилди. Дарснинг тузилиши, ўтиш мазмуни, технологик харитаси тузилди ва тегишли дарслар ўтилди.

Учинчи босқич – ўтиш вақти: 05.04.10 – 09.04.10. Мазкур босқич бўйича тажриба-синов – баҳолаш дарси ўтилди. Дарснинг тузилиши, ўтиш мазмуни, технологик харитаси тузилди ва тегишли дарслар ўтилди.

Тажриба – синов ишлари босқичлари коллеж директори томонидан тасдиқланган график асосида олиб борилди (илова №4га қаранг).

Тажриба – синов ишлари 8та тажриба ва назорат ўқув гуруҳлари бўйича олиб борилди. Улар натижалари қуйидаги 4.1 – 4.8 жадвалларда келтирилган:

Жадвал № 4.1.

Тажриба ДТ9-07 (1гр.)	Баҳо- лар	Бош- лан- ғич ҳолат	1 бос- қич	2 бос- қич	3 бос- қич	Назо- рат ДТ9-07 (2гр)	Баҳо- лар	Бош- лан- ғич ҳолат	1 бос- қич	2 бос- қич	3 бос- қич
	«2»	1					«2»	1	1		
	«3»	8	7	2	1		«3»	5	5	5	5
	«4»	4	6	8	9		«4»	7	7	8	8
	«5»	2	2	5	5		«5»	2	2	2	2

Жадвал № 4.2.

Тажриба ДТ10 – 07 (1гр)	Баҳо- лар	Бош- лан- ғич ҳолат	1 бос- қич	2 бос- қич	3 бос- қич	Назо- рат ДТ10 – 07 (2гр)	Баҳо- лар	Бош- лан- ғич ҳолат	1 бос- қич	2 бос- қич	3 бос- қич
	«2»	1					«2»				
	«3»	9	8	4	2		«3»	10	9	8	7
	«4»	4	6	7	9		«4»	4	5	6	7
	«5»	2	2	5	5		«5»	2	2	2	2

Жадвал № 4.3.

Таж-риба НП7-07	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич	Назо-рат НП8-07 (2гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич
	«2»	1					«2»	1			
	«3»	9	7	5	1		«3»	8	8	7	7
	«4»	3	6	7	11		«4»	4	5	6	6
	«5»	1	1	2	2		«5»	1	1	1	1

Жадвал 4.4.

Таж-риба НП2-08 (1гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич	Назо-рат НП1-08 (2гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич
	«2»	2	1				«2»	2	2	1	1
	«3»	9	7	5	1		«3»	8	8	9	9
	«4»	4	7	9	12		«4»	5	5	5	5
	«5»	1	1	2	3		«5»	1	1	1	1

Жадвал № 4.5.

Таж-риба НП8-07	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич	Назо-рат НП7-07	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич
	«2»	2					«2»	2	2	1	1
	«3»	8	7	4	1		«3»	8	7	7	7
	«4»	5	7	10	12		«4»	5	6	6	6
	«5»		1	1	2		«5»			1	1

Жадвал № 4.6.

Таж-риба ДТЗ-08 (1гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич	Назо-рат ДТЗ-08 (2гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич
	«2»						«2»				
	«3»	8	7	5	1		«3»	8	7	6	6
	«4»	6	7	8	11		«4»	6	7	7	7
	«5»			1	2		«5»			1	1

Жадвал № 4.7.

Таж-риба ДТ14-08 (1гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич	Назо-рат ДТ14-08 (2гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич
	«2»						«2»				
	«3»	9	8	5	1		«3»	10	9	7	7
	«4»	5	6	9	12		«4»	4	5	7	7
	«5»	1	1	1	2		«5»	1	1	1	1

Жадвал № 4.8.

Таж-риба НП1-08 (1гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич	Назо-рат НП1-08 (2гр)	Баҳо-лар	Бош-лан-ғич ҳолат	1 бос-қич	2 бос-қич	3 бос-қич
	«2»	1					«2»	1			
	«3»	8	7	4			«3»	7	8	8	7
	«4»	3	4	7	11		«4»	4	4	4	5
	«5»	1	2	2	2		«5»	1	1	1	1

Ўтказилган уч босқичли тажриба ишлари асосида, тегишли нормал ҳолатдан четланган тавсифларни нормаллаштириш натижасида масалан биринчи ўқув гуруҳида қониқарли ўқиётган ўқувчилар сони 8дан 1гача қисқартирилди, яхши ўқиётган ўқувчилар сони 4дан 9гача ошди. Аъло ўқиётган ўқувчилар сони 2дан 5гача ошди. Назорат ўқув гуруҳида эса, қониқарли ўқиётган ўқувчилар сони 5 талигича қолди, яхши ўқиётган ўқувчилар сони 7дан 8гача ошди. Аъло ўқиётган ўқувчилар сони 2талигача қолди. Шу каби ҳолат қолган гуруҳларда ҳам кузатилади. Жадвал №5да 8та гуруҳ бўйича ўқувчиларни уч босқичли билимлари баҳоларини умумлаштирилган маълумотлари келтирилган.

Жадвал № 5.

8та гуруҳ бўйича ўқувчиларни уч босқичли билимлари баҳоларини умумлаштирилган маълумотлари

	1 гр				2 гр				3 гр				4 гр				5 гр				6 гр				7 гр				8 гр			
0 босқич	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”
Тажр-гуруҳ	1	8	4	2	1	9	4	2	1	9	3	1	2	9	4	1	2	8	5			8	6			9	5	1	1	8	3	1
Назор. гуруҳ	1	5	7	2		10	4	2	1	8	4	1	2	8	5	1	2	8	5			8	6			10	4	1	1	7	4	1
1 босқич	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”
Тажр-гуруҳ		7	6	2		8	6	2		7	6	1	1	7	7	1		7	7	1		7	7			8	6	1		7	4	2
Назор. гуруҳ	1	5	7	2		9	5	2		8	5	1	2	8	5	1	2	7	6			7	7			9	5	1		8	4	1
2 босқич	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”	“2 ”	“3 ”	“4 ”	“5 ”
Тажр-гуруҳ		2	8	5		4	7	5		5	7	2		5	9	2		4	10	1		5	8	1		5	9	1		4	7	2
Назор.		5	8	2		8	6	2		7	6	1	1	9	5	1	1	7	6	1		6	7	1		7	7	1		8	4	1

3.2. Педагогик тажриба – синов натижаларини таҳлил этиш

Олинган тажрибавий натижаларни ва миқдорий кўрсаткичларни солиштирув таҳлили шундан далолат берадики, дастурий материал бўйича тажрибавий гуруҳлар ўқувчи – талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари тегишли назорат гуруҳлари ўқувчи – талабалари билим, кўникма ва малакаларидан деярли юқори.

Диссертация ишида таклиф этилаётган технологиянинг самарасининг кўрсатиш учун олинган тажрибавий ва назорат гуруҳлари бўйича натижаларни статистик ишловини 8та ўқув гуруҳ учинчи босқич бўйича келтирамиз. Бунда баҳолар қуйидаги мезон бўйича қўйилди.

Баҳо:	аъло,	яхши,	қониқарли,	қониқарсиз.
Баллар диапазони:	18-20	15-17	11-14	0-10

Тажрибавий ва назорат гуруҳлари кўрсаткичларининг тегишли белгиларини x_i ва y_j тегишли учрашиш тез-тезликлари n_i ва m_j деб белгилаймиз.

Ушбу икки статистик танлаб олинганликлардан $n = 117$ ва $m = 116$ қуйидаги гуруҳлаштирилган вариация қаторларини тузамиз:

x_i	13	14	15	16	17	18	19	20	
n_i	4	4	29	28	30	6	8	8	$n = 117$
y_j	13	14	15	16	17	18	19	20	
m_j	27	28	18	17	16	4	3	3	$m = 116$

Мазкур вариация қаторлари ишловини ва тегишли хулосаларни математик статистика орқали бажарамиз.

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^N n_i x_i \qquad \bar{y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^M m_j y_j$$

$$N = 8, \quad M = 8.$$

$$\bar{x} = \frac{1}{117} [4 \cdot 13 + 4 \cdot 14 + 29 \cdot 15 + 28 \cdot 16 + 30 \cdot 17 + 6 \cdot 18 + 8 \cdot 19 + 8 \cdot 20]$$

$$= \frac{1}{117} [52 + 56 + 435 + 448 + 510 + 108 + 152 + 160] = \frac{1921}{117} = 16,4 = 16.$$

ва

$$y = \frac{1}{116} [27 \cdot 13 + 28 \cdot 14 + 18 \cdot 15 + 17 \cdot 16 + 16 \cdot 17 + 4 \cdot 18 + 3 \cdot 19 + 3 \cdot 20] =$$

$$= \frac{1}{116} [351 + 392 + 270 + 272 + 272 + 72 + 57 + 60] = \frac{1746}{116} = 15,05 = 15.$$

Ушбу ўзлаштирувлар % да $\bar{x} = 80\%$, $\bar{y} = 75\%$, яъни, тажриба гуруҳларида ўртача ўзлаштирув каттароқ. Иккала вариация қаторларида мос сонлар бўлгани сабабли, ушбу қаторларнинг трансрегрессия қийматини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$\tau = \bar{x} - \bar{y} = 1 = 5\%, \text{ яъни ўртача қийматлар орасидаги фарқ мавжуд.}$$

Энди иккала гуруҳларда ўртача қийматларини тўғри аниқланишлари кўрсаткичларини қуйидаги формулалар:

$$C_{S_x} = \frac{S_x}{\bar{X}} \cdot 100\% \text{ ва } C_{S_y} = \frac{S_y}{\bar{y}} \cdot 100\% .$$

орқали ҳисоблаймиз.

Бунда S_x ва S_y ўртачаларнинг хатолари қуйидагича аниқланадилар:

$$S_x = \sqrt{S_x^2/n}, \quad S_y = \sqrt{S_y^2/m},$$

бунда S_x^2 ва S_y^2 танлов дисперсиялари:

$$S_x^2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2 \cdot n_i,$$

$$S_y^2 = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^M (y_j - \bar{y})^2 \cdot m_j,$$

Олдин S_x^2 ва S_y^2 ҳисоблаймиз.

$$S_x^2 = \frac{1}{117} [4 \cdot (13 - 16)^2 + 4 \cdot (14 - 16)^2 + 29 \cdot (15 - 16)^2 + 28 \cdot (16 - 16)^2 + 30 \cdot (17 - 16)^2 + 6 \cdot (18 - 16)^2 + 8 \cdot (19 - 16)^2 + 8 \cdot (20 - 16)^2] = \frac{1}{117} (36 + 16 + 29 + 30 + 24 + 72 + 128) = 338 / 117 = 2,9.$$

$$S_y^2 = \frac{1}{116} [27 \cdot (13 - 15)^2 + 28 \cdot (14 - 15)^2 + 18 \cdot (15 - 15)^2 + 17 \cdot (16 - 15)^2 + 16 \cdot (17 - 15)^2 + 4 \cdot (18 - 15)^2 + 3 \cdot (19 - 15)^2 + 3 \cdot (20 - 15)^2] = \frac{1}{116} (108 + 28 + 17 + 64 + 36 + 48 + 75) = 376 / 116 = 3,24 = 3,2.$$

Энди стандарт хатоларни топамиз:

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{2,9} = 1,7$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{3,2} = 1,8.$$

Ўртачаларнинг аниқлик кўрсаткичлари юқорида қайд этилган формулалар орқали ҳисобланади.

$$C_{S_x} = 1,7 / \sqrt{117} \cdot 100\% / 16 = 1,7 / 10,8 \cdot 6,25\% = 0,16 \cdot 6,25\% = 1,0\%$$

$$\text{ва } C_{S_y} = 1,8 / \sqrt{116} \cdot 100\% / 15 = 1,8 / 10,8 \cdot 6,67\% = 0,17 \cdot 6,67\% = 1,13\%.$$


Шундай қилиб, $C_{S_y} > C_{S_x}$ яъни, ўртача ўзлаштириш тажриба гуруҳларда назорат гуруҳларига қараганда аниқроқ аниқланади.

Энди иккала гуруҳларда тақсимланиш қонунларини аниқлаш учун тегишли тез-тез учрашишлар полигонларини тузамиз: (расм 1.1, расм 1.2 ва расм 2.1, расм 2.2га қаранг).

Тез-тез учрашишлар полигонларидан уларнинг симметриклари кўриниб турибдики. Шунинг учун биз фараз қиламизки, статистик танловлар x ва y хажмлари $n = 117$ ва $m = 116$ тегишли нормал тақсимланган $N(a_1; \sigma_1^2)$ ва

$N(a_2 ; \sigma_2^2)$ генерал тўпладан олинганлар. Шуинг учун бизларга ушбу тақсимланишларнинг тегишли параметрлари мос келишлари фаразини текшириб кўриш керак бўлади.


Бошланғич ҳолат-назорат гуруҳи



y_j	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
m_j	7	7	64	64	64	64	39	39	39	8	8	8

Расм 1.1. Назорат гуруҳининг ўчрашиш тез-тезлиги полигони


Бошланғич ҳолат-тажриба гуруҳи



x_i	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
n_i	8	8	68	68	68	68	34	34	34	8	8	8

Расм 1.2. Тажриба гуруҳининг ўчрашиш тез-тезлиги полигони


3 босқич-назорат гуруҳи



x_i	13	14	15	16	17	18	19	20
n_i	55	55	51	51	51	10	10	10

Расм 2.1. Назорат гуруҳининг ўчрашиш тез-тезлиги полигони

3 босқич-тажриба гуруҳи



x_i	13	14	15	16	17	18	19	20
n_i	8	8	87	87	87	22	22	22

Расм 2.2. Тажриба гуруҳининг ўчрашиш тез-тезлиги полигони

Энг аввало, алтернатив фаразга нисбаттан $H_1^\sigma: \sigma_1 \neq \sigma_2$, Фишернинг F – мезони бўйича дисперсиялар тенглигини текшираимиз: $H_0^\sigma: \sigma_1 = \sigma_2$.

Фишер статистикасини куйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$F_{n,m} = S_y / S_x = 1,8 / 1,7 = 1,06.$$

Фишер тақсимоти жадвали бўйича 95% критик даражани

$$F_{1-\frac{\alpha}{2}}(m-1; n-1) = F_{0,95}(115; 116) = 1,35.$$

Чунки $1,26 > 1,21$, демак H_1 фараз дисперсиялар тенгсизлиги рад этилади ва 95% ишонч билан H_0 қабул этилади, яъни, генерал тупламлар дисперсиялари мос келмоқда. $H_0^a: a_1 = a_2$ фаразни текшириш учун -ўртачаларни мос келишини $H_1^a: a_1 \neq a_2$ альтернатив фаразга нисбаттан икки танловли Стьюдент статистикасини қўллаймиз

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{x} - \bar{y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{1}{\sqrt{\frac{1,7}{117} + \frac{1,8}{116}}} = \frac{1}{\sqrt{0,029}} = \frac{1}{0,17} = 5,88.$$

Стьюдент тақсимотини критик даражасини топиш учун, олдин находим число озодлик даражалари сонини куйидаги формула билан топамиз:

$$k = \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{0,003}{0,000017} = 177.$$

Стьюдент тақсимотини тегишли критик нуқтасини 95% ишонч даражаси билан жадвал бўйича топамиз: $t_{0,95}(177) = 1,64$

$1,64 < T_{n,m} = 5,88$ бўлгани сабабли H_0^a рад этилади ва 95% эҳтимоли билан H_1^a қабул этилади, яъни, генерал тупламларни ўртача қийматлари ҳар хил.

Бў ўз навбатида тажриба гуруҳлари учун ишлаб чиқилган технология ва назорат гуруҳлари методикасини фарқларини кўрсатмоқда. Юқорида қайд этилган тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари яхшироқдирлар, яъни, $\bar{x} > \bar{y}$ ва $c_{S_y} > c_{S_x}$, бў ўз навбатида таклиф этилаётган диссертация ишида ишлаб чиқилган ўқувчи-

талабаларни билим, кўникма, малакаларини баҳолаш ва ошириш технологиянинг самарасини кўрсатмоқда.

Юқоридаги статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган ўқитиш методикалари бир-биридан тубдан фарк килиб, тажриба гуруҳдаги олиб борилган методикалардан фойдаланиш ижобий натижа беради.

Тажриба-синов машғулотлари натижаларининг тахлили шуни кўрсатдики, назорат ва тажриба гуруҳлардаги ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратлик даражаси маълумотлари таққосланганда, тажриба гуруҳлари ўқувчи-талабаларида юқори даражадаги касбий маҳоратликнинг шаклланганлигига гувоҳ бўлдик.

Биринчи босқич бўйича тажриба – синов – баҳолаш дарси методикаси

Ўқитувчи- Магистрант Атаева И.Ш.

Гуруҳ: НП 2 – 08.

Мавзу: Шоколад ишлаб чиқаришнинг технологик шакли.

Мақсад: Шоколад ишлаб чиқаришнинг технологик шаклининг ўрганиш.

Дарс тури: Назарий.

Ўқитиш методлари: “Ақлий хужум”, “кичик гуруҳларда ишлаш”, “мини маъруза”.

Дарс режаси

1. Какао донларини тозалаш ва сортировкалаш.
2. Какао донларини термик ишлаш чиқиш.
3. Какао донларини майдалаш.
4. Шоколад массасини тайёрлаш.
5. Шоколадни хураш ва упаковкалаш.

Дарс юритилиши

1. Ташкилий момент -3 дақиқа.
2. Ўқувчилар билимини текшириш – 15-20 дақиқа.
3. Янги мавзуни баён этиш – 40 дақиқа.
4. Янги мавзуни мустахкамлаш – 10 – 15 дақиқа.
5. Дарсга яқун ясаш – 5 дақиқа.
6. Ўйга вазифа бериш – 2 дақиқа.

1). Ташкилий моментда журнал бўйича ўқувчилар давоматини аниқлаш.

Ўқувчиларни дарсга тайёрлигини текшириш.

2). Ўқувчилар билимини текширишда “Ақлий хужум” методи қўлланилади. Сўров мавзуси: “Зефирни ишлаб чиқиш”. Ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга бўлади. Доскада ўтилган мавзу бўйича ватман қоғозда сўзлар келтирилади.

1 гуруҳ учун

- 1) Агар
- 2) Шакар
- 3) Сбивание
- 4) Хаво
- 5) Қуритиш

2 гуруҳ учун

- 1) Елимли сироп
- 2) Олмали пюре
- 3) Пиширилиши
- 3) Белок
- 4) Тиндириш

Гуруҳларга топшириқ берилади: 10 дақиқа мобайнида мазкур сўзлар орқали ўтилган мавзу мазмунини ёритиб бериш керак. Гуруҳ ўқувчилари бирма-бир ҳар бир сўзнинг маъносини интенсив равишда мавзуга оид ёритиб берадилар. Жавоб бера олмайдиган ўқувчи учун шу гуруҳ-нинг ўқувчиси жавоб беради ва 1 балл олади. Ҳар бир туғри жавоб учун ўқувчи 1 балл олади. Ҳар бир гуруҳ бўйича баллар тўплами ҳисобланади. Кўпроқ балл олган гуруҳ ғалабадор деб эълон қилинади.

Бундай сўров тизими ўқувчиларда фикрлаш тезлигини ва муаммони шакллантиришга имкон беради.

Бундан сунг ўқитувчи ўқув гуруҳини қайтадан икки командага бўлади ва иккинчи вазифа беради. Вазифани ечилишига 5-7 дақиқа берилади.

Вазифа: “Зинапоя” методи орқали зефирни ишлаб чиқиш технологик шаклини тузиш. Бу вазифа ўқувчиларни диққатини, хотирасини ва билимларини жамлаш учун берилади.

Иккала команда учун карточкалар тайёрланган. Ҳар бир карточкада технологик жараённинг операцияси келтирилган. Вазифани бажариш олди-дан ўқитувчи зефирнинг ишлаб чиқарилиш жараёнининг технологик шаклини 30 секундга кўрсатади ва олиб қўяди. Ҳар бир команда иштироқчиси олган карт очкасини доскада “Зинапоя”нинг тегишли зинасига бириктиради.

Кейин, технологик шаклни қурилишининг тўғрилиги меъёрий шакл билан солиштирилиб аниқланади. Тўғри жавоб учун ўқувчилар бир баллдан оладилар. Технологик шаклни тезроқ ва туғри йўган команда кўпроқ балл олади.

3). **Янги мавзуни баён этиш** – 40 дақиқа. “Мини лекция” методи орқали ўтказилади. Ўқитувчи мавзуни, мақсадни, дарс режасини келтирилади ва мавзу матнини баён этади.

Хурматли ўқувчилар! Биз янги бўлим - “Шоколадни ишлаб чиқариш”ни ўрганишга ўтамиз. “шоколад ўзи нима?”. Шоколад бу какао донларини шакар билан қайта ишланган хосилдир (шоколад плиткеси кўрсатилади). Шоколад таркиби нималардан иборат? Шоколад таркибида: 55%гача углеводлар, 40%гача ёғлар, 5-8%гача белоклар, 0,5% кофеин, 1%гача минерал моддалар мавжуд. 100гр. хосилнинг энергетик қиммати 2300 кдж ташкил этади.

Шоколад қанақа бўлади? Анъанавий, десертли, пахайган, начинкали, кўшимчалар билан ва кўшимчасиз. Кўшимчалар сифатида нималарни ишла-тадилар? Қуруқ сут, сливклар, янгоғ, кофе, вафли, дукатлар.

Ишлаб чиқаришда шоколадни қандай тайёрлашади? Шоколад тайёрлаш технологияси қуйидаги операциялардан иборат:



Шоколадни ишлаб чиқариш учун қанақа хомашё асосий деб ҳисобланади? Какао донлари.

Энди ҳар бир операцияни алоҳида куриб чиқамиз.

1). Какао донларини тозалаш ва саралаш. Ишлаб чиқаришга келадиган какао донлари ҳар хил кирликлардан ва тегишсиз нарсалардан иборат (тошчалар, ер, халта иплри, металл зарчалар). Бу тегишсиз нарсаларни олиб ташлаш

керак. Чунки, улар нафақат ярим тайёр махсулот сифатини, жиғозларни синдирилишига ҳам олиб келишлари мумкин. Истеъмолчи саломатлигига ҳам зарар етказишлари мумкин. Тегишсиз қушимчалардан ташқари, синган донлар ва шелухалар мавжуд. Уларни ҳам ажратиб олиш керак. Какол донлари хар хил (катта, кичик) бўладилар. Юқори сифатли шоколадни олиш учун уларни хар хил режимда термик қайта ишлаш керак. Бунинг учун уларни катта кичиклигига қараб гуруҳларга саралайдилар.

Какао донларини тозалаш ва саралаш операцияси саралаш ва тозалаш машиналарида бажарилади (машинанинг расми курсатилади). Ушбу машинада синган донларни, ингичка донларни, яхши ривожланмаган донларни ажратиб олиб, колганларини катта ва кичикларга бўлиб оладилар.

2). Какао донларини термик қайта ишлаш операцияси. Бу жуда муҳим операция. Уни тўғри ўтказилишидан шоколад сифати боғлиқ. Термик қайта ишлашда бир қатор физик ва кимёвий узгаришлар бўлади. Шунинг натижасида какао донларнинг таркиби ва хусусиятлари ўзгаради.

Сиз қандай деб ҳисоблайсиз? Какао донларини қовуриш нима учун керак? Какао донларини қовуриш $t = 135$ градус иссиқликда 15 дақиқа мобайнида ўтказилади.

Какао донларини қовуриш. Қовурилиш вақтида какао донининг қобиқи юмшаяди ва ядросидан осон ажралади. Ядро ҳам юмшаяди ва осон майдаланади. Қовурилишда донларни мазаси ва ҳиди яхшиланади. Дубил моддалар камаяди ва шоколадга лоир ачиқроқ ёқимли таъм пайдо бўлади. Қовурилиш сифати донларни катта-кичиклигларига боғлиқ (саралашга). Донларни хар хилига, тегишли қовуриш режими керак. Термик қайта ишлаш учун қовуриш шарли аппаратлар қулланилади ёки шахтали қўриткичлар (расмга қараңг). Донларни қовурилиши иссиқ ҳаво зонасида амалга оширилади.

3). Какао донларини майдалаш. Доннинг ядросидан қобиқини ажратадилар. Агар оболочка шоколадга тушса унинг таъми ва озуқалик қиммати ёмонлашади, чунки уларда хал бўлмайдиган кўп миқдорли клетчаткалар мавжуд.

Қобикни ажратиш учун донларни майдалайдилар, натижада ядро 0,7-0,8мм. крупкага, бўрдачаларга айланади. Крупка миқдори 83% ташкил этади.

Қобикларни донларни майдалашгандан кейин ажратиб оладилар. Майдалаш учун махсус майдалаш-саралаш машиналари ишлатилади. Улар рифленлаштирилган валоклар шаклида майдаловчи тузилмалардан иборат.

4). Туйилган какао тайёрлаш. Туйилган какао шоколад массасининг асосий компоненти ҳисобланади. Какао крупкани майдалашдан туйилган какао пайдо бўлади. У суспензия шаклида, яъни, масса ярим суюқ консистенцияли бўлади. Унда суюқ фазаси какао ёғи, каттиғи эса – какао донлари ядролари ташкил этади. Какао крупкани майдалаш туйиш агрегатида бажарилади. Майдалаш вақтида какао крупканинг ҳарорати $t = 40$ градус ва юқорирок кўтарилади.

5). Шоколад массасини тайёрлаш. Шоколад масса ўзи нима? Бу, туйилган какао, какао ёғи, ва шакар пудрасидан иборат юқадисперсли аралашма. Бундан ташқари, шоколад массасига таъм ва ҳид берувчи моддалар киритилади (куритилган сут, қаймоқ, янгоҳ). Ҳид берувчи сифатида – ванилин. Шоколад массаси ҳарорати бўйича қаттиқ ва суюқ ҳолатда бўлиши мумкин. Шоколад массасини тайёрлаш қуйидаги операциялардан иборат: компонентларни аралаштириш; майдалаш; туйиш: аралаштириш. Рецепт компонентларни – туйилган какао, шакар пудраси, какао ёғи аралаштирувчига юклаштирилади. Аралаштириш 40-45 градус иссиқликда 30 дақиқа олиб борилади. Натижада шакарни катта-катта зарачаларидан иборат суспензия шаклланади. Уни майдалаш керак бўлади. Майдалаш. Масса вальцеваланади, зарачалар эзилади ва майдалашади. Майдалаш учун 5 валокли тегирмонлар ишлатилади (расмга қаранг). Шоколад массаси пластик ҳолатдан сочиладиган ҳолатга келади. Ундан кейин Порошок шакли масса шоколадни шаклга келтирувчи машинага ўзатилади. Жараён 40 - 45 градус иссиқликда олиб борилади. У машинада масса оқиладиган ҳолатга келади. Бу жараён **разводка** дейилади. Бунда колган какао ёғини қушадилар. Масса суюқ консистенцияга эга бўлади.

Коншириваялаш. Разводкадан кейин масса коншириваялаштирилади. Коншириваялаш деб, шоколад массасини иссиқлик ва механик қайта ишлаш жараёни тушинилади. Бунда шоколад массасида ҳар хил физик – кимёвий ўзгаришлар бўлади. Массани таъмли ва ҳидли сифатлари яхшиланади. Коншириваялашда ёмон ҳидли моддалар чиқиб кетади, шоколадга оид нозик, ёқимли ҳид ривожланади. Коншириваялашни коншмашинасида ўтказадилар (расмга қаранг). Коншмашина лотин тилидан раковина деб таржима қилинади. Коншириваялашни ҳарорат 40-45 градусгача ўтказадилар. Қайта ишлаш вақти 72 соат. Коншириваялашдан кейин шоколад массаси темпериваялашга ўтказилади.

Темпериваялаш. Шакллантиришнинг асосий жараёни бу какао ёғни кристалланиши. Бу мураккаб жараён. Ушбу мураккаблик какао ёғида полиморфизмлик мавжудлиги билан шартланади. Қаттиқ моддани 2 ёки бир неча хил кристаллик тузулишларда бўлиш қобилияти полиморфизм деб аталади. Бундай тузулишлар альфа, бетта, гамма деб белгиланадилар. Бир шаклни бошқасига ўтиши аниқ ҳарорат таъсири шароитида амалга ошади. Темпериваялаш шоколад массаси ҳарорат 40-45 градусида ўтказилади. Шоколад массасини темпериваялаш жараёни 40-45 градусдан то 33 градусгача тезкорлик билан совутишдан ва кейин кетма-кетлик билан 31 градусгача совутишдан иборат.

Шоколад устида мозланиш пайдо бўлади. Бу ҳолат ёғли «оқариш» деб ном олган. Бунда какао ёғининг катта-катта зарчалари плитка устида ва ичида пайдо бўлади.

Шакллантириш. Шоколад массасини шакллантиришдан мақсад унга тўғри ва аниқ шакл беришдир. Темпериваяланган шоколад массаси сузгич машинасига ўтказилади. Массани метали, пластмасали, фольгали шаклчаларга қўйишадилар.

Шоколад плитканинг усти ялтироқ бўлиши ва уларни шаклчалардан олиниши учун шаклчалар ҳарорати ва шоколад массасининг ҳарорати тўғри нисбатланса. Хона ҳарорати шоколад массаси ҳароратидан 1-2 градусга

иссиқроқ бўлиши керак. Бундай ҳарорат какао ёғини кристалланишига олиб келади.

Агар шаклчалар совуқ бўлса, шоколад массаси тез совуйди ва шоколад плиткаларини юзи оқаргандай бўлиб қоладилар.

Шоколадни ўраш ва жойлаштиришлаш. Шоколадни ўраш атроф муҳитнинг зарали таъсиридан (ҳаводан, ёриғлигдан, намлигдан) асрашдир. Ўраш операцияси шоколадни сақлаш вақтини узайтиради ва шоколадга ёқимли кўриниш беради. Стандартга мос шоколадни алюминийли фольгага ва бадий этикеткага ўрашадилар.

Шоколад плиткасини ўралишини икки усули мавжуд: конверт ёки бандероль. Кўпроқ бандероль тарқалган. Ўраш махсус ўраш автоматларида бажарилади. Ўралган шоколадни 5 кг. сиғадиган қутиларга жойлаштирадилар. Чунки шоколад плиткалари мўрт бўладилар. Операция якунида, қутиларга елим бериш ва жойлаштирилган қутилар тайёр махсулот омборига жунатилади.

4). **Янги мавзун мустаҳкамлаш** – 10 – 15 дақиқа. Мустаҳкамлаш “мулоқот” методи орқали ўтказилади. Ўқитувчи вазифа беради:

- ҳар бир ўқувчи технологик жараённинг операцияси кўрсатилган карточкани олади;

- операция бўйича жиғозларни (машинани) йиғади. Карточкада машинанинг номи келтирилмайди.

- ўқувчи доска олдида бориб технологик шаклл бўйича мазкур операцияда қандай жараёнлар ўтишини тушинтириб беради.

Ўқувчилар вазифани тўғри бажарганлари учун “5”, “4”, “3” баллар оладилар.

5). **Дарсга яқун ясаш** – 5 дақиқа. Баллар тўпламлари ҳисобланади. Жавобларга изоҳлар берилади, хатолар кўрсатилади. Дарсда фаол иштироқ этган ўқувчилар номлари келтирилади. Журналда баҳолар қўйилади.

б). **Ўйга вазифа бериш** – 2 дақиқа. И.С. Лурье ўқув адабиёти бўйича

270 бетдаги мавзуни ўрганиш. **Вазифа:** технологик жараённинг операцияларини танлаш.

Ўқитувчи- Магистрант Атаева И.Ш.

Гуруҳ: НП 2 – 08.

Фан номи: “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси “ фани. “Шоколад ишлаб чиқариш” бўлими.

Мавзу: Шоколад ишлаб чиқаришнинг технологик шакли.

Ажратилган вақт- 80 дақиқа.

Дарс мақсади: Шоколад ишлаб чиқаришнинг технологик шаклининг ўрганиш.

Технологик харита

№	Босқич	Ажратилган вақт - лакика	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Метод	Усул	Ўқитиш воситалари
1	Ташкилий момент	3'	Саломлашиш. Ўқувчилар давоматини журнал бўйича текшириш. Ўқувчиларни дарсга тайёргарлиглари текшириш	Ўқитувчига салом беришадилар. Дарсга тайёрланадилар. Конспектлар мавжудлиги.			Конспектлар, ручка, қалам, линейка, дарсликлар мавжудлиги.
2	Ўтган мавзунини қайтариш а)	15' 5'	Гуруҳларга бўлади. Вазифа беради: берилган сўзлар орқали ўтилган дарс мавзусини ёритиш.	Оғзаки доска олдида ўтилган дарс бўйича сўзларни маъносини ёритади.	“Ақлий хужум”	Рефлексия	Ватман, доска, маркер

	б)	10'	Дарслик ва конс-пектдан фойдаланиб ўтган мавзу бўйича саволлар тўзиш.	Саволлар тўзилади ва улар карточкаларга ёзилади.. Савол берадилар ва унга жавоб берадилар.	“Ақлий хужум”	Оғзаки сўров	Карточкадар, дарслик, конспект.
	в)	5'	Ўқувчиларни гуруҳларга бўлади. Технологик шаклни тузиш вазифасини беради	Карточкалар орқали технологик шаклни тузишадалар.	“Мусобақа”	Оғзаки	Доска, карточки, шакл
3	Янги мавзунини баён этиш	40'	Янги материални тушинтиради	Ўқувчилар тинглайдилар ва конспектлаштирадилар.	“Мини-маъруза”	Кўргазмали-репродуктив	Плакатлар, шакл, карточкалар натурал образецлар
4	Янги мавзунини мустахкамлаш	15'	Вазифа беради: - операцияни танлаш - жиғозларни йиғиш -технологик шаклни тузиш - операцияни тушинтириб бериш	- операцияни танлайди - жиғозларни йиғади - технологик шаклни тузади - операцияни тушинтириб беради	“Мулоқот”	Оғзаки Кўргазмали-репродуктив	Плакатлар, карточкалар, шакл, баллар белгиланган карточкалар
5	Яқун яшаш	5'	Балларни ҳисоблаш - изоҳлар - баҳолар қуйиш	Ўқувчилар тинглайдилар,, ўз фикрларини билдирадилар	“Мулоқот”	—	Баллар белгиланган карточкалар

6	Уй вазифаси	3'	Вазифа беради. Мавзу бўйича калитли сўзларни танлаш	Дарслик муалифини ёзадилар ,Бет. И.С. Лурье «Технология кондитерского производства»		—	
---	-------------	----	---	---	--	---	--

Иккинчи босқич бўйича тажриба – синов – баҳолаш дарси методикаси

Ўқитувчи- Магистрант Атаева И.Ш.

Гуруҳ: НП 2 – 08.

Мавзу: Шоколад массасини шакллантириш.

Мақсад: Шоколад массасини шакллантиришни ўрганиш.

Дарс тури: Назарий.

Ўқитиш методлари: “Рефлексия”, “кичик гуруҳларда ишлаш”, “мини маъруза”.

Дарс режаси

1. Шоколад массасини шакллантириш.
2. Темперировалаш.
3. Шоколад массасини шаклларга қуйиш.

Дарс юритилиши

1. Ташкилий момент -3 дақиқа.
2. Ўқувчилар билимини текшириш – 15-20 дақиқа.
3. Янги мавзуни баён этиш – 40 дақиқа.
4. Янги мавзуни мустахкамлаш – 10 – 15 дақиқа.
5. Дарсга яқун ясаш -5 дақиқа.
6. Ўйга вазифа бериш – 2 дақиқа.

1). **Ташкилий момент** – 3 дақиқа. Саломлашиш. Журнал бўйича ўқувчилар давоматини аниқлаш. Ўқувчиларни дарсга тайёрлигини текшириш.

2). **Ўқувчилар билимини текшириш** – 15-20 дақиқа. Ўқувчилар билимини текширишда “Рефлексия” методи қўлланилади. Сўров мавзуси: “Шоколад массасини тайёрлаш”.

а). **Разминка.** Ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга бўлади. Уларга ватман ва маркерлар берилади. Хар бир гуруҳга ўтилган мавзу бўйича купрок

калитли сўзларни топиш ва ёзиш таклиф этилади. Қайси гуруҳ купроқ сўз ёзса уша гуруҳ ғалабадор деб ҳисобланади.

б). Доска олдида ўқувчилар билими “Рефлексия” методи орқали аниқланади. Ҳар бир гуруҳдан ўқувчилар доскага таклиф этиладилар ва шоколад массасини тайёрлаш операцияларини технологик жараён бўйича баён этадилар (шакл бўйича).

Ўқувчиларга карточкалар тарқатилади:

- 1- ўқувчи – компонентларни аралаштириш.
- 2 – ўқувчи – майдалаш.
- 3 – ўқувчи – шоколад массасини ажратиш (разводка).
- 4 – ўқувчи – массани коншировалаш.

Ҳар бир тўғри жавоб учун “5”, “4”, “3” баллар қўйилади.

в). Ўқув гуруҳи рақобатбардош икки кичик гуруҳга бўлинган ҳолда “Ақлий хужум” методи орқали сўров ўтказилади. Гуруҳлар вазифа оладилар. Ўқитувчи биринчи ва иккинчи гуруҳларга саволлар беради:

1. Шоколад массаси қанақа компонентлардан иборат?
2. Қайси шоколадда туйилган какао бўлмайди?
3. Вальцеваниядан кейин шоколад массасининг консистенцияси қанақа бўлади?
4. Қанақа массани шоколад деб бўлмайди?
5. Шоколад массасини порошок ҳолатдан чўзиладиган ҳолатга келтириш операцияси нима деб айтилади?

Ҳар бир тўғри жавоб учун гуруҳ ўқувчиси 1 балл олади. Гуруҳ бўйича баллар ҳисобланади. Юқори балл олган гуруҳ ғалабадор деб эълон қилинади ва фаол қатнашганларга қўшимча бал берилади. Бу фанга қизиқишни ўйғотади.

Ўқитувчи яқун ясайди ва баҳолар қўйяди.

3). **Янги мавзунини баён этиш** – 40 дақиқа. “Мини маъруза” методи орқали ўтказилади. Ўқитувчи мавзунини, мақсадни, дарс режасини эшиттиради ва мавзу матнинини баён этади.

Ўқитувчи мавзуда учрайдиган калитли сўзлар билан мурожаат этади.


Сиз биласизми....? Нима?

- конденсация (бўғни суюқ холатга, яъни сувга айланттириш);
- суспензия (суюқ дисперсс муҳит ва каттик фазали, зарачалари етарлича катта дисперс тизимлар);
- филтрлаш (бўлғич орқали суспензияни ажратиш);
- температура (иссиқлиғини тавсифловчи физик миқдор);
- темперировалаш (шоколад массасининг температур холатини тавсифловчи жараён);
- сув куйлаги (аниқ ҳароратга эга сув билан тўлдирилган машинани икки девори орасидаги оралик);
- полиморфизм (каттик модданинг икки ёки купроқ кристаллик тузилишда бўлиши);

Сунг дарс режаси бўйича маъруза баён этилади. Ўқувчилар тинглайдилар ва материални конспектлаштирадилар.

Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат этади: шакллантиришни мақсади нимадан иборат? Шакллантиришдан мақсад – шоколад массасига тўғри шаклни (туртбурчак ва бошқа шакллар) бериш. Шоколадни натурал шакллари кўрсатилади.


Ўқитувчи: Қандай ўйлайсиз? Шакллантириш жараёни қанақа операциялардан иборат?



1. Шоколад массасини филтрлаш. Тайёр шоколад массасини хужайралари 0,2 мм. бўлган металл филтрлар орқали филтрлайдилар. Филтрланган шоколад масса темперировалашга ўтади. Тегишли эмас қўшимчалар филтрдан пластик пичоқ билан сидириб олинади.

2. Темперировалаш. Ўқитувчи: шакллантириш жараёнининг асоси нимадан иборат? Шакллантириш жараёнининг асоси – какао ёғни кристаллантириш. Бу мураккаб жараён. Ушбу мураккаблик какао ёғида полиморфизмлик мавжудлиги билан шартланади. Ўқитувчи: Полиморфизм ўзи нима? Қаттиқ моддани 2 ёки бир неча хил кристаллик тузулишларда бўлиш қобилияти полиморфизм деб аталади. Полиморфизм туфайли, какао ёғи совутишда ҳар хил хусусиятларга эга бўлган, ҳар хил тузулишларда кристаллашади.

Бунақа тузулишларни грек ҳарифлари α , β , γ билан белгиланадилар. Бу шакллар ҳар хил тузулишларга ва эриш ҳароратига эга. Ҳар бир шакл аниқ ҳарорат шароитларига эга. Ўзгариш қуйидаги шакл асосида ўтади:



Темперировалашга шоколад массаси ҳарорат 40-45 градусда ўтказилади. Шоколад массасини темперировалаш жараёни 40-45 градусдан то 33 градусгача тезкорлик билан совутишдан ва кейин кетма-кетлик билан 31 градусгача (шакл β) совутишдан иборат. Ушбу ҳароратда шоколад массасида мустаҳкам шаклли кристаллаштириш марказлари пайдо бўлишади. Улар максимал зичликка эга бўладилар. Шу туфайли улар шаклчалардан осон олинадилар. Кейинки совутишда 25 градус ҳароратида шоколад массаси ностабил α – шаклга ўтади, энг кичик эриш ҳароратига γ – шакл эга ($t = 18$ градус).

Яхши темперировалашсиз шоколадни сақлаш вақтида унинг устида мозлашишни эслатадиган оқариш пайдо бўлади. Бу ҳолат ёғли “оқариш” номини олди. Бу какао ёғини ностабил α – шаклларидадан стабил β – шаклга, какао ёғини катта кристалларини шоколад ичида ва устида чиқиши натижасидир.


Шоколадни озуқавий ва фойдали хусусиятлари сақланади, аммо куриши ёмон, купол таъмли, ёмон темперироваланган шоколад брак деб ҳисобланади. Ёғли оқариш тезда пайдо бўлмайди. Темперироваланган массаси ҳарорати атроф ҳаво ҳароратига қарамдир. Шоколад шаклларга қўй-

илиш ўтадиган хона ҳарорати қанча паст бўлса, шоколад массасини ҳарорати шунча баланд бўлиши керак.

Шоколад массасини темперировалаш темперировалаш машиналарида бажарилади (расга қаранг).

3. Шоколад массасини қўйиш.

Ўқитувчи: Шоколад массасини қандай қилиб қўйишадилар? Шоколад плиткаларини қўйғич апаратларида ўтказадилар. Бунда қўйидаги операциялар амалга оширилади:



Шоколадни плиткаларга қўйиш учун металлдан, пластмасадан, фольгадан бўлган шакллар ишлатилади. Шакллар мустаҳкам, эгилмайдиган, ички қисмларида қовурғали (рёбра) бўлишлари керак. Қовурғалар шоколад осон синдирилиши учун чуқурчалар пайдо қилишади (шаклчалар кўрсатилади).

Шоколад сифати, масалан устидаг ялтираш, доғсизлик шакллар қанча яхши тайёрланганлигига боғлиқ (ювилган, қўритилган). Кир шакллардан шоколад қийин олинади.

Агар шакллар совуқ бўлса, плиткалар усти оқариб чиқади. Бу ҳолат шоколад массасини тез совуши билан боғлиқ.

4. Совутилган шоколад плиткаларини совутиш зонасида сақланишида, шоколад массасининг ҳарорати цех ҳароратига яқин бўлиши керак. Бу шоколадни шакрли оқаришидан сақлайди. Шоколад плиткалари юзасида намлик кондесацияланганлиги билан боғлиқ.

Агар шоколад усти ҳаво намлиги билан намланса, шоколад массасида мавжуд шакр заррачалари эрий бошлашади. Намлик бўғланиб кетганда шакар кристаллашади ва плитка устида оқ симон шаклида катта кристал-лар шаклида қоладилар. Бу ҳолатни олдини олиш учун плитка ҳарорати цех ҳаво ҳароратидан юқори бўлиши керак. Плитка ҳарорати – 20 градус, цех ҳаво ҳарорати – 18 градус.

4). **Янги мавзун мустаҳкамлаш** – 10 – 15 дақиқа. Кичик гуруҳларда ишлаш орқали ўтказилади. Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинадилар. Уларга ватман, маркер ва вазифалар берилади.

1-чи гуруҳга

2-чи гуруҳга

1. Филтрлаш. Темперировалаш.

1. Қўйиш. Совутиш.

Ушбу жараёнларда ўтадиган операциялар.

2. Технологик жараённинг қайси участкасида полиморфизм ўтади (шакл бўйича)?
3. Натурал образецлар (шакллар) бўйича α , β , γ формаларини топиш.
4. Шакар ва ёғли оқариш сабаблари ва улар пайдо бўлмаслиги учун чоратadbирлар..

Ўқувчилар фаол жавоб ахтарадилар. Жавоблар ватманда ёзилади.

Ватман доскада осилади ва гуруҳ сардори натижаларни баён этади. Мустаҳкамлаш жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчи саволлар берадилар ва жавоб оладилар (жами 5та савол). Эътирозлар билдирилади. Ғалабадор гуруҳ деб эълон этилади.

5). **Дарсга яқун яшаш** – 5 дақиқа. Ўқитувчи яқун ясайди. Ҳар бир ўқувчи фикрини сўрайди. “Шу дарсдан нима олдинг?”. 1 дақиқа вақт берилади. Сунг ўқувчилар жавоб берадилар.

6). **Ўйга вазифа бериш** – 2 дақиқа. И.С. Лурье ўқув адабиёти бўйича 303 бетдаги мавзунни ўрганиш.

Ўқитувчи- Магистрант Атаева И.Ш.

Гуруҳ: НП 2 – 08.

Фан номи: “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси “.

Мавзу: Шоколад массасини шакллантириш.

Ажратилган вақт - 80 дақиқа.

Дарс мақсади – Шоколадни шакллантириш жараёнини урганиш.

Технологик харита

№	Босқич	Ажратилган вақт-дақиқа	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Метод	Усул	Ўқитиш воситалари
1	Ташкилий қисм	3'	Саломлашиш Журнал бўйича ўқувчилар давоматини текшириш. Ўқувчиларни дарсга тайёрлигларини текшириш.	Ўқитувчига салом беришадилар. Дарсга тайёрланадилар. Конспектлар мавжудлиги.			Конспектлар мавжудлиги, ручкалар, дарсликлар, қалам, линейка

2	Утилган мавзуни қайтариш а)	15' 3'	Кичик гуруҳларга бўлади. Маркерлар, ватман ва вазифалар берилади. Утилган мавзу бўйича калитли сўзларни эслаш.	Ўқувчилар гуруҳларга бўлинадилар. Ватманда доска олдида утилган мавзу бўйича калитли сўзларни ёзадилар.	«Рефлексия»	Ёзма	Ватман, доска, маркер.
	б)	8'	Шоколад массасини тайёрлаш бўйича технологик жараёни операцияларини баён этиш учун вазифа беради.	Ўқувчиларни хар бири доска олдида чиқадилар ва карточкалардан бирин оладилар. Карточкада операция номи ёзилган. Операцияни ёритадилар.	Ўқувчилар билими-ир текши-риш. «Мулоқот»	Оғзаки сўров	Доска олдида технологик шакл.
	в)	4'	Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиш ва саволларни ўқиш.	Ўқувчилар саволларга жавобберадилар	«Ақлий хужум»	Саволлар бўйича оғзаки сўров	Сўров карточкаси.
3	Янги мавзуни баён этиш	40'	Янги материални тушинтиради.	Ўқувчилар материални диққат билан тинглайдилар ва конспектлаштирадилар	«Мини маъруза»	Кўргазмали-репродуктив	Технологик шакл. Конспектлар. Натурал образецлар.

4	Янги мавзуни мустахкамлаш	15'	<p>Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлади. Маркер, ватман ва вазифа берилади:</p> <p>1). Мазкур операцияда ўтадиган жараён;</p> <p>2).Технологик жараён бўйича операция ўрнини топиш;</p> <p>3).Альфа, бета, гаммани кўргазмали образецлар бўйича топиш.</p> <p>4). Массани шакарлиглиги ва ёғлиглиги сабабларини топиш.</p>	<p>Ўқувчилар мустақил берадилар. Вазифани образецлар бажарадилар.</p> <p>саволларга жавоб кўргазмали орқали</p>	«Кичик гуруҳларда ишлаш»	Ёзма равишда ватманда	Доска, шоколад массаси билан тулдирилган пиёлалар, шоколад плиткалари.
5	Якун яшаш	5'	<p>Ўқувчилар фикрини сўрайди. Ушбу дарсдан нимани ўргандингиз ва нимага эга бўлдингиз?</p>	Ўқувчилар фикрлашадилар ва ўз жавобларини берадилар.		Оғзаки, Ёзма	Анкета

6	Уй вазифаси	3'	И.С.Лурье. «Технология кондитерского производства», бетдаги мавзу. 303	Ўқувчилар уй вазифа- сини дафтарларига ёзиб оладилар. И.С.Лурье. «Технология кондитерского производ- ства», 303 бетдаги мавзу.			
---	-------------	----	---	---	--	--	--

Учинчи босқич бўйича тажриба – синов – баҳолаш дарси методикаси

Ўқитувчи: Магистрант Атаева И.Ш.

Гуруҳ: НП 2 – 08.

Фан номи: “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси”.

Мавзу: Амалий машғулот – «Шоколадни ишлаб-чиқариш шароитида тайёрлаш».

Мақсад: Шоколадни ишлаб-чиқариш шароитида тайёрлаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Жиғозланиш: «Шоколадни ишлаб чиқариш технологик шакли» бўйича плакат.
Шоколадни натурал шакллар.

Адабиёт: И.С.Лурье. «Технология кондитерского производства».

Дарс ўтилиши

1. Ташкилий қисм - 3 дақиқа.
2. Ўтилган мавзунини қайтариш – 15 дақиқа.
3. Кириш йуриқномаси – 15 дақиқа.
4. Жорий йуриқномалаш – 40 дақиқа.
5. Якуний йуриқномалаш – 10 дақиқа.
6. Якун яшаш – 3 дақиқа.
7. Уйга вазифа – 2 дақиқа.

1). **Ташкилий қисм** - 3 дақиқа. Журнал бўйича ўқувчилар давоматини текшириш.

Ўқувчиларни дарсга тайёргарлиглари текшириш.

2). **Ўтилган мавзунини қайтариш** – 15 дақиқа. «Ақлий хужум» методи орқали ўтказилади. Ўқитувчи гуруҳни икки кичик гуруҳга ажратади.

Вазифа берилади: «Хўраш» ва «Жойлаштириш».

Хар бир ўқувчига биттадан савол тузиш таклиф этилади. Бунда конспект ва дарсликдан фойдаланиш мумкин.

Гуруҳлар бир-бирларига 5дан савол берадилар. Хар бир тўғри тузилган савол учун 1 балл берилади. Хар бир тўғри жавоб учун ҳам бир балл берилади.

Хар бир гуруҳ бўйича йиғилган баллар ҳисобланади. Купроқ балл олган гуруҳ ғалабадор деб эълон қилинади.

3). **Кириш йуриқномаси** – 15 дақиқа. «Мини маъруза» методи орқали ўтилади. Мавзу, мақсад эшитирилади. Хавфсизлик техникаси бўйича йуриқномалаш ўтказилади.

Ўқитувчи шоколадни ишлаб-чиқариш технологик шаклини доскага илиб қўяди. Тоза карточкаларни тарқатади.

Вазифа берилади: шоколадни ишлаб-чиқариш технологик чизиғида (линиясида) хизмат қиладиган мутахассислар рўйхатини тузиш.

Ўқувчилар ўз фикрларини мустақил баён этадилар ва хар бир карточкада мутахассис номини ёзадилар.

Бу иш тугагач, ўқувчилар карточкаларни технологик жараённинг тегишли операцияларига бириктирадилар.

Белгиланган мутахассисоиклар бўйича мулоқот олиб борилади ва тўғри вариант танланади.

4). **Жорий йуриқномаси** – 40 дақиқа. «Мулоқот» методи орқали ўтказилади.

Хар бир ўқувчи мутахассислик ёзилган карточкани олади. Ўқувчига қуйидаги вазифа берилади: хар бир мутахассислик бўйича «билим ва кўникмаларни ишлаб чиқиш». Ўқувчиларга ёзиш учун тоза варақлар тарқатилади. Ўқувчилар конспект ва дарсликлардан фойдаланишлари мумкин. Бу ишлар тугагач, гуруҳ ўқувчилари бирин-кетин доска олдига бориб ўз варақларини технологик шаклга тегишли ўринларга бириктирадилар ва мулоқот юритадилар.

Ўқитувчи бу ишни баҳолайди ва ўқувчилар жавобларини ДТС билан солиштирилади, ўзгатиришлар, қушимчалар киритилади, ўқувчилар хатолари бартарф этилади.

Тўғри жавоблар учун ўқувчилар «5», «4», «3» баллар олишадилар.

5). **Якуний йуриқномаси** – 10 дақиқа. «Кичик гуруҳларда ишлаш» методи орқали амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга бўлади. Вазифа берилади: «Шоколад сифатига қўйиладиган талаблар». Ўқувчилар мустақил дарслик, конспектлар билан ишлашадилар. Бундан кейин ватманлар доскага

илинадилар. Мулоқот олиб борилади, хатолар топилади. Вазифа бажарилиши тўғри жавоблар ва шоколад сифатига талаблар миқдори билан баҳоланади.

Тўғри жавоблар ва сифат талаблари сонига кўра гуруҳлар бўйича балларининг сони аниқланади.

б). **Якун яшаш** – 3 дақиқа. Баллар ҳисобланади, фаол ўқувчилар белгиланади, журналга баҳолар қўйилади.

7). **Уйга вазифа** – 2 дақиқа. И.С.Лурье. «Технология кондитерского производства». 270-306 бетлар.

Ўқитувчи: Магистрант Атаева И.Ш.

Гуруҳ: НП 2 – 08.

Фан номи: “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси “.

Мавзу: Амалий машғулот – «Шоколадни ишлаб-чиқариш шароитида тайёрлаш технологиясини ўрганиш».

Ажратилган вақт – 80 дақиқа.

Мақсад: Шоколадни ишлаб-чиқариш шароитида тайёрлаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Жиғозланиш: «Шоколадни ишлаб чиқариш технологик шакли» бўйича плакат. Шоколадни натурал шакллари.

Адабиёт: И.С.Лурье. «Технология кондитерского производства».

Технологик харита

№	Босқич	Ажратилган вақт-дақиқа	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Метод	Усул	Ўқитиш воситалари
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа	Саломлашиш Журнал бўйича ўқувчилар давоматини текшириш. Ўқувчиларни дарсга тайёрлигларини текшириш.	Ўқитувчига салом беришадилар. Конспектларини тайёрлашадилар.	-	-	Конспектлар ручкалар, дарсликлар, калам, линейка
2	Утилган мавзунини қайтариш	15 дақиқа	Ўқув гуруҳини икки кичик гуруҳга бўлади. Ўқувчиларга вазифа берали: биттадан	Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинадилар.Саволларни тузишадилар. Дарсликлардан фойдаланадилар.	«Ақлий хужум»	Ёзма	Дарсликлар, конспектлар.

			савол тузиш.	Жавоблар берадилар.			
3	Кириш йуриқномаси	15 дақиқа	Дарс мавзуси, мақсадини эшиттиради.ни. Хавфсизлик техникаси бўйича йуриқнома беради, ўқувчиларга вазифа беради. Карточкаларни таркатади, доскага илинтиради. Ўқувчилар фикрини сўрайди. Мавзунини тушинтиради.	Ўқувчилар мавзунини, хавфсизлик техникаси бўйича йуриқномани конспектга туширишади. Диққат билан эшитишади. Карточкаларни тулдиришади. Ўз фикрларини баён этишади, мулоқот юритадилар.	«Мини- маъруза»	Ёзма	Хавфсизлик техникаси бўйича йуриқнома. Технологик шакл. Карточкалар
4	Жорий йуриқномаси	30-40 дақиқа	Карточкаларни тайёрлайди. Вазифа беради. Вароқларни тайёрлайди.	Ўқувчилар карточкаларни биттадан олишади. Дарслик ва конспектлар билан ишлашади. Вароқларни тулдиришади. Доска олдида бориб вароқларни бириктирадилар. Тушунча беришади.	«Мулоқот»	Оғзаки	Дарсликлар, конспектлар, технологик шакл, ДТС, баллар ёзилган карточкалар
5	Якуний йуриқномаси	8-10 дақиқа	Ўқувчиларни гуруҳларга бўлади.	Дарсликлар ва конспектлар билан	«Кичик гуруҳларда	Ёзма	Ватман, маркерлар

			Ватман, маркерларни тарқатади. Вазифа беради.	мустиқил ишлаш. Жавобларни ватманга ёзадилар, жавоб беришадилар, савол беришадилар.	ишлаш»		технологик шакл.
6	Яқун яшаш	3 дақиқа	Баллар ҳисобланади. Фаол ўқувчилар аниқланади, баҳолар қўйилади.	Балларни ҳисоблайдилар. Диққат билан эшитишади.			
7	Уйга вазифа	2 дақиқа	И.С. Лурье «Технология кондитерского производства», 270-306 бетлар	Уй вазифасини ёзиб оладилар			
8	Жами	80 дақиқа					

ХУЛОСА

Педагогика ва психология фанида эришилган замонавий ютуқларни, илғор педагогика тажрибасини ўрганиб чиқиш, ўтказилган назарий ва тажриба синов тадқиқотларга кўра касб-хунар коллежи ўқувчисининг касбий маҳоратини ўстиришда бир томондан - инсон омили аҳамиятини ошириш шароитларидаги бўлажак кичик мутахассис шахсининг асосий фазилати экани, иккинчи томондан эса - шахсининг касбни эгаллаш жараёнидаги касбий фаолиятга йўналтирилганлиги аён бўлди. Булар орасидаги ўзаро боғлиқлик касбий фаолиятнинг жамиятдаги ва шахсий аҳамиятини англаб етишга асосланган.

Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида касбий маҳоратни шаклланиш жараёнини бир неча тамойилларга ажратилди ва уларни унинг асосий таркибий қисми билан боғланди.

Барча тамойиллар ўзаро боғланган ва фақатгина дидактик тамойил билан уларни бутунлигича қабул қилишда касбий маҳоратни шахсининг ҳар тарафлама, баркамол ривожланишда ижобий шаклланишини таъминлайди. Касбий маҳоратни шакллантириш тамойиллари деб қуйидагиларни белгиладик: мотивация тамойили; касбий тараққиёт тамойили; қийинчиликка тезлик билан эриша олиш орқали шаклланиш тамойили; касбий ҳаракатчанлик тамойили; рағбатлантириш тамойили; касбий маҳоратнинг воситалари ва турли усуллариининг интеграцияси тамойили; касбий маҳоратни шаклланишида узлуксизлик тамойили; касбий маҳоратнинг мустаҳкам шаклланиши ва доимий ривожланиши тамойили.

Касбий маҳорат муаммолари ҳолатини, касбий фаолият ва махсус фанларни ўргатиш жараёнининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда бу муҳим омилларнинг тушунчаси, унинг вазифалари, тузилмаси ва ривожланиши босқичларини аниқлашга бўлган ёндашувларнинг назарий-тажриба синов таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. "Касбий қизиқиш" тушунчасини аниқлаб бериш. Касбий қизиқиш деб, шахсининг танланган касбни унинг жамиятдаги ва шахсий аҳамиятини англаб

етишга асосланиб муваффақиятли эгаллаш тушунилади. У ўқувчиларнинг ўз касбини чуқурроқ ўрганиш истаги, меҳнатга ситқидилдан қараш, касбга оид билим, малака ва кўникмалар, меъёр ва кадриятларни билишга интилиш, ишлаш ва ўз малакасини оширишга руҳан ва амалий тайёрлигида намоён бўлади.

2. Касбий маҳоратни шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари касбга кириш даврида, касбни эгаллаш даврида. якуний-назорат даврида деб аниқланди. Бир босқичдан кейингисига ўтишда касбий маҳоратнинг паст даражадан юқориқ даражага қараб ривожланиши содир бўлади.

3. Тадқиқ қилинаётган жараённинг асосланмаси учук дастлабки маълумотлар сифатида касбий таълимнинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқадиган талаблар олинган.

Тадқиқот давомида касбий таълимдаги махсус фанларни ўқитишдаги ҳам умумий, ҳам хусусий йўналишларни ажратиб чиқардик: касбий маҳоратни таълимнинг асосий вазифалари доирасида амалга ошириш, ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий етуқлигига қаратилганлиги уларни педагогик, психологик, тарбиявий омиллар орқали йўналтириш билан боғлиқдир.

4. Касбий маҳоратнинг муваффақиятли шаклланиши ва ривожлаиши куйидаги асосий дидактик шартлар орқали таъминланиши аниқланди:

- дарсларда кизикарли вазиятларни яратиш;
- ўқитиш жараёнида ўқишда қийналаётган ўқувчилар учун муваффақиятга эришиш вазиятларини киритиш;
- ўқув материли мазмунидаги ғоявий йўналишни кучайтириш;
- ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти натижалари устидан назоратнинг фаол воситаларини қўллаш;
- касбий йўналишдаги ижодий масалаларни ечиш;
- адабиётлар билан мустақил ишлаш;

- назарий билимларни амалиёт билан боғлашни, касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини таъминлайдиган амалий-машғулотларни ўтказиш.

Назарий-тажриба синов тадқиқотлари асосида қўлланиладиган дидактик шароитларнинг касбий маҳоратни муваффақиятли ривожлантириш ва шакллашга бўлган катта аҳамияти исботланди.

Математик-статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, тажриба гуруҳларидаги ўқувчилар касбий мослашувининг шаклланганлиги, назорат гуруҳларига нисбатан 25 % га ошганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини касб-ҳунарга кизиқтириш, йўналтириш, ижтимоий-касбий мослаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни таклиф этамиз:

1. Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитилишида касбий кизиқишга йўналтирилган махсус методикалар ишлаб чиқилиши ва таълим жараёнига татбиқ этилиши лозим;

2. Ўқувчиларни касбий маҳоратига таъсир этувчи тадбирлар ташкил этилиши керак;

3. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касбларига самарали маҳоратларини шакллантириш ва уни доимий ривожлантиришни, бунинг натижасида малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997.-63 б.
2. Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1994. -57 б.
3. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили. - Т.: Ўзбекистон, 1995.- 32 б.
4. Каримов И.А. Инсон бахт учун туғилади. - Тошкент : Шарқ, 1998.- 64 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент : Ўзбекистон, 1998.- 175 б.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. - Тошкент : Ўзбекистон, 2005. - 46 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1992. - 46 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - Тошкент : «Адолат», 1998. - 17 -том. - 3-15 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг " Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - Тошкент: «Адолат», 1998. - 18 - том. - 3 - 36 б.
10. " Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар маҳкамасининг 2001 йил 4 - октябрдаги 400 - сонли қарори.
11. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартлари //Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази. - Т.: 2000. - 44 б.
12. Абдувалиева М.И. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг касбий мослашувини шакллантириш ва ривожлантириш. Пед фан. номз. дис. автореф. Т.: 2008. – 23 б.

13. Абдуллаева К.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари. Пед. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент. – ТДТУ. - 2006.- 23 б.
14. Авезов Ш. Касб-ҳунар коллежларда амалий-касбий таълим методикаси. Ўқув методик қўлланма.1,2,3 қисмлар. - Тошкент.: Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, 2003 – 150 б.
15. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.- 174 б.
16. Асадов Ю.М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма: Автореф. дис. канд. пед. наук. -Т.: 2007.
17. Атутов П.Р., Бабкин Н.И., Васильев Ю.К. Связь трудового обучения с основами наук. - М.: Просвещение, 1983. - 128 с.
18. Ахунова (Хамраева) Р.В. Методолого-теоретические аспекты приращения качества учебного процесса в образовательном учреждении //Ж. Халк таълими. 2006. №1.стр. 140-144.
19. Батышев С.Я. Научная организация учебно-воспитательного процесса. 3-е изд., М.,1980 г.
20. Батышев С.Я. Профессиональная педагогика. М.: Профессиональное образования, 1997. - 51 с.
21. Беляева А.П. Дидактические принципы профессиональной подготовки в профтехучилищах.- М.: Высшая школа, 1991 г.
22. Бешелев С.Д., Гурвич Ф.Г. Математико-статистические методы экспертных оценок. - М.: Статистика, 1974. - 159 с.
23. Васиев М.В., Васиева М.А., Мирзаев Ж.Д. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси. Т.: “Мехнат”, 2002. – 192 б.
24. Грабарь М.И., Краснянская К.А. Применение математической статистики в педагогических исследованиях (непараметрические методы). – М.: Педагогика, 1977. – 136 с.
25. Голиш Л.В. Современные технологии обучения: содержание, проек-

- тирование и реализация //Проект ТАСИС «Содействию реформированию профессионального образования в Узбекистане».-Т.: 2001. - 20 с.
26. Голиш Л.В. Активные методы обучения: содержание, проектирование и реализация //Проект ТАСИС «Содействие реформированию профессионального образования в Узбекистане».- Т.: 2001 - 23 с.
27. Голиш Л.В., Нуриддинов Б.С., Махмудов С. Педагогик мониторинг: проектирование и реализация //Проект ТАСИС «Содействие реформированию профессионального образования в Узбекистане».- Т.: 2001.-35 с.
28. Давлетшин М.Г. Қобилият ва унинг диагностикаси. - Т: Ўқитувчи, 1979. – 133 б.
- 29.Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. - Т: Фан.1992. - 260 с.
- 30.Жўраев Р.Х., Рашидов Ҳ.Ф., Цой А.В. Касбий танловнинг таркибий қисимлари (юқори синф ўқувчилари билан иккинчи сухбат) //Ж. Мактаб ва ҳаёт. Т.: 2002. № 4. 2 - 6 б.
31. Зокиров А.А. Особенности сотрудничества преподавателя и обучающихся в учебной деятельности. Автореф. дис. канд. пед. наук. - Т.: 2002 г.
32. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже. Т.: 2004. Автореф. дисс. д.п.н. - 44 с.
33. Иноятов У.И. Ўқувчи-ёшларда касбий кўникмаларни шакллантириш омиллари // Ж. Мактаб ва ҳаёт. Т.: - 2001. №4.
34. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Тошкент. «Ўқитувчи». - 2004. – 104 б.
35. Казаков В.Г., Кондратьева Л.Л. Психология. М.: 1988.
- 36.Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. М.: Педагогика, 1981.- 117 с.
37. Марасулов А.Ф. Система экспертно-тестовой оценки образовательного процесса среднего специального, профессионального образовательного

- учреждения //Ж. Педагогик маҳорат, Бухоро давлат университети, Бухоро. - 2008. - № 4. – 5-11б.
38. Марасулов А.Ф. Технологические основы психолого-педагогического обеспечения среднего специального, профессионального образования // Ж. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, ТДТУ, Тошкент. - 2009. - № 3. – 64-70 б.
39. Махмудов С.Ю. Организационно-педагогические условия подготовки конкурентно способных специалистов в профессиональных колледжах: Дис. ... канд. пед. наук.- Т.: 2002. - 85 с.
40. Махмутов М.И. Современный урок. - М., 1981.
41. Махмутов М.И. Мактабда муаммоли таълимни ташкил қилиш // Ўқитувчилар учун қўлланма . - Т.: Ўқитувчи, 1981. - 193 б.
42. Мирзарахимов М., Тошматов З. Бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни шакллантиришда ишчи мураббийларни ўрни. // Ж. Касб-ҳунар таълими. Т.: 2007. - №4. - 10-11 б.
43. Мирсаидов К.Ж. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими /Услубий қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1996.-175 б.
44. Муслимов Н.А. Формирование у учащихся старших классов технологических знаний и умений в процессе трудового обучения с повышенным техническим уровнем: Дис. ... канд. пед. наук. 1991 .- 124 с.
45. Муслимов Н.А. Касбий таълим истикболи // Ж. Педагогик таълим. 2002.- №4.- Б.58-61.
46. Нишаналиев У.Н. Педагогические условия совершенствования профессиональной подготовки учителей трудового обучения /Учебно-методическое пособие. Т.: 1981. - 79 с.
47. Нуриддинов. Б. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол таълим элементларни қўллашнинг илмий-педагогик асослари: П.ф.н. дис. автореф. - Т.: 2002.. - 13 б.
48. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини

яратишнинг назарий услубий асослари.. Пед. фан. док. автореф. дис.-Т.: 2005.
- 44 б.

49. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии. – М.: Гном-Пресс, 1999.

50. Платонов К.К. Краткий словарь системы психологических понятий. М., 1981 г.

51. Пронина Е.Н., Лукашевич В.В.. Психология и педагогика. Учебник для студентов ВУЗов. Издательство «Элит».

52. Психология и педагогика. Под ред. А.А.Радугина. Москва, 2003.

53. Рашидов Х.Ф. Теоретико-методологические и социально-педагогические основы развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. (на материалах реализации Национальной программы по подготовке кадров). Дис. док. пед. наук. - Т.: 2005.- 311с.

54. Рубинштейн Л.С. Основы общей психологии. М.: Педагогика. - 1989. - 95 с.

55. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия. - 2003.

56. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. - М.: Народное образование, 1998.

57. Скакун В.А. Проведение и анализ уроков по специальным и общетехническим предметам. - М.: Высшая школа. - 1984. - 12 с.

58. Слостенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность. – М.: - 1997.

59. Толипов У. Қ. Ўқитувчилар тайёрлашда янги педагогик технологиялар // Ж. Халқ таълими.- Т.: - 2000. - № 2.- 40-44 б.

60. Тўхтабоев А., Мамажонов М. Ишлаб чиқариш корхонасида ўқувчиларда амалий касбий кўникмаларни шакллантириш усуллари // Ж. Касбухона таълими . - Т.: - 2007. - №4. - 20-21 б.

61. Хакимов Р.Р. Касб- хунар коллежлари ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари. П.ф.н. дис. Т.: - 2005. - 126 б.
62. Хақимова Д.М. Кимёвий-технологик йўналишидаги касб-хунар коллежларида ўқувчи-талабалар касбий маҳоратини шакллантиришнинг дидактик шартлари. Магистрлик диссертация. ТКТИ. Тошкент. - 2009. - 97 б.
63. Хидиров У.Д. Ўқувчиларда ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг илмий- методик асослари: П.ф.н. дис. - Т.: 2003. - 91 б.
64. Хроменков В.М. Технологическое оборудование хлебозаводов и макаронных фабрик. Учебник для вузов. ч.1. УМО. М.: - 2008. – 480 с.
65. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда. Дис. ... док. пед. наук. - Т.: 1992.- 406 с.
66. Чернов М.Е., Гнатуев Е.М. Производство макаронных изделий быстрого приготовления. М.: - 2008. - 165 с.
67. Чориев Р.Қ. Талабаларнинг касбий методик малакаларини шакллантириш. П.ф.н. дис. - Т.: 1998. - 129 б.
68. Шадриков В.Д. Проблемы системного анализа профессиональной деятельности. - М. : Новая школа , 1992. - 63 с.
69. Шукина Г.И. Актуальные вопросы формирования интереса в обучении. М., 1984 г.
70. Шукина Г.И. Педагогические проблемы формирования познавательных интересов учащихся. - М.: Педагогика, 1988 .- 208 с.
71. Ядгорова Г. Нотўлик оилаларнинг ижтимоий–психологик хусусиятлари. Пед. фанлари ном. дисс. автореф. – Тошкент. - 2004 й.
72. Ғайбуллаев Н. ва бошқалар. Педагогика. Маърузалар матни. - Тошкент: ЎЗМУ, - 2005 й.
73. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г., Ҳасанбоева О., Усмонбоева М. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан. - 2006.

74. <http://orel.rsl.ru>

75. www.pedagog/uz

76. www.tdpu/uz

77. www.psulist/net

ИЛОВАЛАР

- 1. Чоп этилган мақолалар.**
- 2. Тажриба-синов ишларини ўтказиш бўйича жадвал.**

АТАЕВА ИҚБОЛ ШАВКАТОВНА «КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ЎСТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ» (*Кимё ва озиқ-овқат технологияси касб-ҳунар коллежлари мисолида*) мавзусида бажарган магистрлик диссертация ишига

ТАҚРИЗ

Ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчи – талабаларнинг касбий маҳоратини ўстиришда, интерфаол услублар қўлланиши катта аҳамиятга эга. Аммо, мазкур жараёнда ўқувчи- талабаларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ўқув гуруҳининг умумий муаммолари, ўқитувчи ва ўқувчи муммолари, ўларни аниқлаш ва тегишли чора –тадбирларни белгилаб амалга ошириш, ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини босқичма-босқич ошириш ёндошувлар мажмуали ўрганил-маган ва амалга оширилмаган ҳолда келинмоқда.

Шу муносабат билан Атаева И.Ш. томонидан “Кимё технология йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол услублардан фойдаланиш” мавзусида бажарилган иши таълим тизимининг долзарб муаммоси сифатида қаралади.

Диссертация иши кириш, уч боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Биринчи бобда ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўстириш тўғрисида умумий тасаввурлар, касбий маҳоратларини ўстиришнинг психологик-физиологик асослари, таълим жараёнида интерфаол методлари келтири-либ таҳлил қилинганлар.

Иккинчи бобда ўқувчи-талабаларни ёш индивидуал хусусиятларини аниқлаш, касбий тайёргарлиглари поғоналарини аниқлаш, интерфаол услублардан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун турли хил илмий-тадқиқот усуллари аниқланган.

Учинчи бобда “Нон макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси” фани бўйича ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўсти-

ришга йўналтирилган машғулотлар ишланмалари ишлаб чиқилган, илмий тадқиқотнинг методикаси баён этилган, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва таҳлил этишга бағишланган.

Диссертация ишида олинган натижалар бўйича ҳар томондан асосланган бир қатор хулосалар чиқарилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти шубҳа тўғдирмайди. Ишда таклиф этилган ёндошувнинг самарадорлиги тажриба-синов асосида тасдиқланган.

Атаева И.Ш. томонидан бажарилган диссертация иши ўзининг мазмуни, ҳажми ва шакли бўйича 5A541125 – касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (озик-овқат технологияси) магистратура мутахассислигига мос келади ва магистрлик диссертацияга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради.

Шу асосда И.Ш. Атаеванинг магистрлик диссертациясини Ziyonet тармоғига жойлаштиришга тавсия этиш мумкин.

Тошкент архитектура-қурилиш институти
“Касбий педагогика” кафедраси мудири,
п.ф.н., доцент

Ш.Абдуллаева

АТАЕВА ИҚБОЛ ШАВКАТОВНА «КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ЎСТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ» (*Кимё ва озиқ-овқат технологияси касб-ҳунар коллежлари мисолида*) мавзусида бажарган магистрлик диссертация ишига

ТАҚРИЗ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчи – талабаларнинг касбий маҳоратини ўстиришда, интерфаол услублар қўлланиши катта аҳамиятга эга.

Диссертация ишида технологик ёндашув асосида талабаларда касбий маҳоратни ўстириш муаммоси тадқиқотланган.

“Нон макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси” фани бўйича ўқувчи-талабаларнинг касбий маҳоратини ўстиришга йўналтирилган машғулотлар ишланмалари ишлаб чиқилган.

Шу борада: шахснинг психологик хусусиятларига таъсир этувчи омиллари; касбий маҳоратни шакллантириш учун муаммоли вазиятлар; яратилган тажриба машғулотларининг таҳлили; ўқувчи-талабаларда касбий маҳоратни шаклланганлик даражасини белгиловчи омиллар; ўқув гуруҳи бўйича эксперт гуруҳи томонидан аниқланган муаммолар; мураккаблик даражалари бўйича ўқитувчилар ва ўқувчилар муаммоларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш асосида ўқувчиларининг касбий маҳоратини босқичма-босқич ўстириш методикаси ишлаб чиқилган.

Ушбу муаммоларни самарали ечишда ўтиладиган машғулотлар тури бўйича мақсад ва вазифалари, мазмунининг хусусиятлари, ҳамда ўқитувчини ўқитиш, ўқувчиларни ўзлаштириш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилган: “ақлий хужум”; “кичик гуруҳларда ишлаш”; ўқувчиларда фикрлаш тезлигини ошириш ва муаммони шакллантириш – ватманда келтирилган сўзлар орқали ўтилган мавзунини ёритиш; “Зинапоя”; “Мини маъруза”; “Мулоқот” - янги мавзунини мустаҳкамлаш; “Рефлексия” – ўқувчилар билиминини текшириш ва бошқалар.

Мазкур босқичлар бўйича дарснинг тузилиши, ўтиш мазмунлари, технологик хариталари яратилган ва тажриба-синов – баҳолаш дарслари ўтилган.

Таклиф этилаётган технологиянинг самарасининг кўрсатиш учун олинган тажрибавий ва назорат гуруҳлари бўйича натижаларига статистик ишлов берилган. Статистик таҳлиллар тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган ўқитиш методикалари бир-биридан тубдан фарк қилиб, тажриба гуруҳ-даги олиб борилган методикалардан фойдаланиш ижобий натижа бергани кўрсатилган.

Шу муносабат билан Атаева И.Ш. томонидан “Кимё технология йўналишидаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий маҳоратини ўстиришда интерфаол услублардан фойдаланиш” мавзусида бажарилган ишлар ҳар томондан асосланган ва бир қатор хулосалар чиқарилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятига шубҳа йўқ.

Атаева И.Ш. томонидан бажарилган диссертация иши ўзининг мазмуни, ҳажми ва шакли бўйича 5А541125 – касб-хунар фанларини ўқитиш методи-каси (озиқ-овқат технологияси) магистратура мутахассислигига мос келади ва магистрлик диссертацияга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради.

Шу асосда И.Ш. Атаеванинг магистрлик диссертациясини Ziyonet тармоғига жойлаштиришга тавсия этиш мумкин.

Тошкент кимё-технология институти

“Ёғ. Дон маҳсулотлари” кафедраси мудири,

т.ф.н., доцент

Айходжаева Н.К.

